БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 20 (7467)
26 ЯНВАРЬ ПАЙШАНБА 1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

1950 йил пахтачилик учун олиб бораётган курашимизда алоҳида ўрин эгаллаши лозим. Ўзбекистон пахтакорлари олдида—ҳарқандай шароитда ҳам бу йил мамлакатга ўтган йилдагидан камида 500 минг тонна кўп пахта топшириш, яқин йиллар ичида эса пахта етиштиришни янада кенг миқ'ёсда кўпайтириш вазифаси туради.

(Ўзбекистон пахтачилик илғорлари VI қурултойи вакилларининг мурожаатидан).

Пахтачилик илғорларининг жанговар чақириғи

Бугун газетамизда республика пахтачилик илғорлари VI қурултойи вакилларининг Ўзбекистон ССР даги барча колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ишчилари, тракторчилари, механиклари ва қишлоқ хўжалигининг мутахассисларига қарата ёзган мурожаати э'лон қилинди. Пахтачилик илғорларининг республикамиз шонли 25 йиллик юбилейи арафасида тўпланган VI қурултойи вакиллари Совет ҳокимияти йилларида социалистик қишлоқ хўжалигимизнинг гуллаб-яшнаётганлигини зўр ифтихор блан та'кидладилар. Бу тарихий муваффақиятлар учун большевиклар партиясига, Совет ҳукуматига, улуғ устозимиз ва йўлбошчимиз ўртоқ Сталинга чексиз миннатдорчилик изҳор қилдилар. Ўзбек халқи бутун куч-қувватини севимли Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлашга бағишлайди ва энг зарур хомаш'ёлардан бири бўлган пахта етиштиришни ҳартарафлама кучайтиришни ўзининг бош вазифаси деб билади. Чунки, пахта учун кураш ўзбек халқининг мамлакат олдидаги, улуғ доҳимиз ўртоқ Сталин олдидаги энг муқаддас бурчидир, пахта Совет Иттифоқидаги барча халқлар блан қардошлик алоқамизни мустаҳкамлашнинг моддий ифодасидир.

Партия ва ҳукуматимизнинг, шахсан улуғ доҳимиз ўртоқ Сталиннинг доимий ёрдами ва ғамхўрлиги туфайли республикамизда пахтачилик йилдан-йилга ривожланмоқда. Пахтакорларимизнинг моддий ва маданий фаровонлиги тобора яхшиланмоқда. Ўзбекистон пахтакорлари 1949 йилда давлатга 1948 йилдагига қарагандa анча кўп пахта топширдилар. Илғор районлар, колхозлар, совхозлар, бригада ва звеноларнинг ўтган йилги қийинчиликларни енгиш учун олдиндан тайёргарлик кўришлари натижасида пахтадан мўл ҳосил етиштириб, давлат олдидаги ўз мажбуриятларини шараф блан бажардилар.

Қурултой вакиллари ўтган йилда эришилган бу ютуқларни та'кидлаш блан бирга, айрим район, колхоз ва совхоз раҳбарларининг пахта тайёрлаш планини бажармаганликларига «ноқулай» об-ҳаво шароитларини важ қилиб кўрсатишларини қатиқ қоралядилар. Кўп колхозлар, МТС ва совхозлар пахтачилик соҳасида ўз ишларида жиддий камчиликларга йўл қўйганликлари, юз бериши мумкин бўлган об-ҳаво қийинчиликларини енгиш учун олдиндан тайёргарлик кўрмаганликлари натижасида пахта тайёрлаш плани бажарилмади. Бу — 1949 йилда пахтачилик соҳасидаги ишларимизнинг қониқарсиз бўлганлигини кўрсатади.

Шунинг учун ҳам қурултой ўтган йилнинг ана шу аччиқ сабоқларидан тўғри хулоса чиқариб, 1950 йилда ҳарқандай об-ҳаво шароитида ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириб, мамлакатга ўтган йилдагидан камида 500 минг тонна кўп пахта етиштириб беришни асосий вазифа қилиб қўйди. 1950 йилда пахтадан ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштириш учун курашга бир жон-бир тан бўлиб отланиш пахтакорларимизнинг ва бутун ўзбек халқининг жанговар шиори бўлиши керак.

Бу улуғ вазифани бажариш Ўзбекистон партия, совет ташкилотларидан, бутун ўзбек халқидан барча куч ва э'тиборни колхоз, совхоз ва МТС лардаги ҳамма имкониятларни сафарбар қилиб, пахтачиликни ривожлантириш учун чинакам умумхалқ мусобақасини кучайтириб юборишни талаб этади.

Қурултойда барча областьлар, районлар, илғор колхоз, совхоз, бригада ва звеноларнинг пахтадан юқори ҳосил етиштириш юзасидан конкрет мажбуриятлар олиб, бир-бирларини социалистик мусобақага чақирдилар. Бу мусобақада юзцентнерчилар ҳаракатини кенг ривожлантириш асос қилиб олинди. **Бу йил республикамизда гектаридан 30—40—50 центнер ва ундан юқори пахта ҳосили олиш учун курашучи колхозлар ўтган йилдагидан 2 — 3 марта кўп бўлиши, гектаридан 20 центнердан кам пахта ҳосили оладиган биронта ҳам колхоз бўлмаслиги керак.** Колхоз ва совхозлардаги ишга лаёқатли ҳарбир киши бу йил 2,5—3 тоннадан пахта етказиб беришни ўзининг асосий шиори қилиб олиши керак.

Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар мавжуд. Большевиклар партияси, Совет ҳукумати ва севикли доҳимиз ўртоқ Сталин пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун ҳамма имкониятларни яратиб бермоқдалар. Республикамизнинг колхозлари, МТС лари ва совхозлари бу йил қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги учун яна кўп тракторлар, автомашиналар, минерал ўғитлар ва бошқа моддий-техника воситаларини оладилар. Бу эса, пахтачиликнинг барча ишларини машиналаштириш, илғор совет Мичурин фани ютуқларидан, илғорларнинг энг яхши тажрибаларидан кенг фойдаланиш имкониятини беради.

Қурултой вакиллари ўз мурожаатларида **бу йил етиштирилган ҳосилнинг камида 80 проценти биринчи совуқ тушгунча, я'ни 15—20 октябрьгача пишиб етилишини та'минлашни асосий шарт қилиб қўйдилар.** Бунинг учун 20—25 мартдан кечикмай пахта ерларининг ҳаммасини экишга тайёрлаш, чигитни 10—12 кунда экиб бўлиш, ҳамма жойда чигитни апрель охиригача текис ва соғлом ундириб олиш, чигитнинг ялпи униб чиқишини кутиб турмай, ғўзанинг биринчи парваришини ва яганаларини бошлаб юбориш, ўғитлаш, суғориш, культивация ва чопиқни агротехника қоидалари асосида ўтказиш зарур.

Мурожаатда колхозларда жорий қилинган алмашлаб экишга мувофиқ пахтани энг унумдор ерларга тўғри жойлаштириш, бригада, звеноларни тўғри тузиш, ер участкалари, иш ҳайвонлари, қишлоқ хўжалик асбобларини уларга тўғри бириктириб беришга алоҳида э'тибор қилинади. Шунингдек, ҳарбир область бўйича суғориладиган ер майдонларини, бедапояларни кенгайтириш ва алмашлаб экишни жорий қилиш юзасидан конкрет мажбуриятлар белгиланади.

Маҳаллий партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг асосий вазифаси пахтакорлар VI қурултойи қатнашчиларининг мурожаатини кенг муҳокама қилишга бошчилик қилишдан иборатдир. Токи, мамлакатни пахта блан мўл-кўл та'минлаш учун бошланган умумхалқ мусобақасида актив қатнашиш ўзининг энг муҳим ватанпарварлик бурчи эканини ҳарбир колхозчи, совхоз ишчиси ва ҳарбир тракторчи тўла равишда тушуниб олсин. Мурожаат асосида ҳарбир пахтакор ўз зиммасига конкрет мажбурият олиб уни тўла бажарсин.

Пахтакор ўртоқлар! Совет Ватанимизга ҳарқачонгидан ҳам кўпроқ пахта етказиб бериш учун умумхалқ социалистик мусобақасини кучайтириб юборайлик.

ХОРАЗМНИНГ МИЛЛИОНЕР КОЛХОЗЛАРИ

УРГАНЧ (**«Қизил Ўзбекистон» мухбиридан**). Область колхозлари 1949 хўжалик йили яхши кўрсаткичлар блан якунланди. Ил[illegible] колхозларда пахтадан мўл ҳосил етиштирилганлиги туфайли катта даромад олинди. Областьдаги колхозларнинг учдан бир қисми миллионер колхозларга айланди. 1948 йилда областьда фақат 5 колхоз миллионер ҳисобла[illegible]са, 1949 йилда уларнинг сони 106 тага етди. Хевадаги «XVII парт'ёзд», Қўшкўпирдаги Сталин номли ва шулар каби 17 колхоз 3-4 миллион сўмдан даромад қилди.

Ўзбекистон ССРдаги барча колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ишчилари, тракторчилари, механиклари ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларига

Ўзбекистон пахтачилик илғорлари VI қурултойи вакилларининг

МУРОЖААТИ

Қадрдон ўртоқлар! Ўзбекистон пахтачилик илғорларининг VI қурултойи тарихий кунларда—Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 25 йиллиги юбилейини байрам қилиш арафасида йиғилди.

Совет ҳокимияти йилларида кураш ва ғалабаларнинг шонли йўлини босиб ўтдик. Ўзбек халқи СССР халқлари қардошлик оиласида тенг ҳуқуқли халқдир, бу қардошлик оиласида улуғ рус халқи катта оғамиздир. Ўзбекистонда қудратли саноат, илғор социалистик қишлоқ хўжалиги вужудга келтирилди, ажойиб социалистик маданият гуллаб яшнади.

Биз барча тарихий муваффақиятларимиз учун большевиклар партиясидан, Совет ҳукуматидан ва улуғ устозимиз ва йўлбошчимиз ўртоқ Сталиндан миннатдормиз.

Ўзбек халқи ўзининг бутун куч-қувватини севикли Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлашга бағишлар экан, мамлакатга металл, ёқилғи ва ғалла блан бир қаторда зарур бўлган пахтани кўпаб етиштиришни коммунизм қуриш учун курашдаги бош вазифаси деб билади.

1949 йилда Ўзбекистоннинг кўпгина колхоз ва совхозлари пахта ҳосилини оширишда янги муваффақиятларга эришдилар. Аммо, Ўзбек пахтакорлари давлатдан яна қарздор бўлиб қолдилар. Пахта тайёрлаш плани ўтган йили бажарилмай қолди.

Шунинг учун биз 1949 йилда пахтачилик соҳасида олиб борган ишимизнинг натижалари блан мақтаниш учун ҳеҳқандай асосга эга эмасмиз. Аксинча, кўп колхозлар, МТС ва совхозлар пахтачилик соҳасидаги ишларида йўл қўйган жиддий камчилик ва хатоларни кескин танқид қилиш—бизнинг бурчимиздир. Бу йил ҳарқандай шароитда ҳам ғалаба қозониш учун ўтган йилнинг сабоқларидан тўғри хулосалар чиқариб олиш—бизнинг бурчимиздир.

Колхоз, МТС ва совхозларнинг ба'зи раҳбарлари пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан ва'далар бериш блангина қифояланиб, амалда ўз ва'даларини бажармайдилар. Бундай аҳволга бундан кейин чидаб туриш мумкин эмас.

Биз бундай ҳатти-ҳаракатни қат'ий равишда қоралаймиз. Ҳақиқий совет ватанпарварларининг сўзи блан иши орасида тафовут бўлиши керак эмас. Ва'дабоз раҳбарлар халқ олдида ўзларини шарманда қилибгина қолмай, шу блан бирга фидокорона меҳнат қилиб, ҳақиқатда ҳам пахтадан юқори ҳосил етиштираётган илғорларнинг ютуқларини кўп даражада камситадилар.

Айрим район, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ўтган йилда пахта тайёрлаш давлат планининг бажарилмаганлигига ноқулай об-ҳаво шароитларинигина важ қилиб кўрсатишга урунадилар. Биз бундай ҳаракатни мутлақо нотўғри деб ҳисоблаймиз ва қоралаймиз.

Дуруст, 1949 йил оғир йил бўлди. Бироқ бундан қандай хулоса чиқариш керак эди? Бундан барча пахтакорларимиз ўзлари учун тегишли хулоса чиқариб, юз бериши мумкин бўлган қийинчиликларни енгиш учун олдиндан тайёргарлик кўришлари ва қийинчиликларни енгиш учун барча кучларни сафарбар этишлари лозим эди. Илғор колхозлар, совхозлар, бригада ва звеноларнинг худди шундай ҳаракат қилиб, ўтган йилнинг оғир шароитларида пахтадан мўл ҳосил етиштира олдилар ва давлат олдидаги мажбуриятларини шараф блан бажардилар.

Жиззах, Пастдарғом, Хатирчи, Метон, Куйбишев, Каганович, Марҳамат, Сталин, Балиқчи, Чиновод, Бўка, Ховос, Конимех, Шеробод, Тўрткўл, Хўжайли, Кегайли, Қарши, Қамаши, Чироқчи районларининг пахтакорлари, шунингдек «Боёвут 1-нчи», «Боёвут 2-нчи», «Ўзбекистон ССР бешйиллиги», «Далварзин 1-нчи», «Далварзин 2-нчи», «Далварзин 3-нчи», «Ҳазорбог», «Қизилровот», «Пахталиқўл» совхозларининг ишлари бунга мисол бўлаолади.

Ўтган йилда 450 га яқин колхоз ҳар гектар ердан 25 центнердан ошириб пахта ҳосили олди, булардан ба'зилари эса 30 центнердан ва ундан ҳам ошириб пахта етиштирдилар. Янгийўл районидаги Ленин номли ва Каганович номли, Ўртачирчиқ районидаги «Полярная звезда», Андижон районидаги Сталин номли ва Дзержинский номли,Ленин районидаги Ленин номли, Сталин номли ва «Сталинчи», Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли, Самарқанд районидаги Каганович номли, Жиззах районидаги Ҳамид Олимжон номли, Қува районидаги Карл Маркс номли, Бағдод районидаги «Большевик», Каганович районидаги «Ижтимоёт», Фарғона районидаги «Еш Ленинчи», Охунбобоев районидаги «Сталинчи», Мирзачўл районидаги Молотов номли, Бўка районидаги Вильямс номли, Тўрақўрғон районидаги «Сталинград», Қўшкўпир районидаги Сталин номли, Урганч районидаги Сталин номли, Хева районидаги Оржоникидзе номли, Тўрткўл районидаги Юсупов номли, Термиз районидаги Сталин номли, Деков районидаги «Правда» ва Сталин номли, Свердлов районидаги Ленин номли ва «Янги обод», Шофрикон районидаги «Комсомол» ва Ғиждивон районидаги Каганович номли бир қатор йирик колхозлар шулар жумласиндандир.

1949 йилда ҳар гектар ердан 30 центнердан ошириб пахта ҳосили олган 1.330 бригада ва 6.480 звеноннинг иш натижалари илғор пахтакорларимизнинг қаҳрамонона меҳнатидан ҳамда ҳарқандай шароитда пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун мавжуд бўлган имкониятларимиздан далолат бермайдими? Бу бригада ва звеноларнинг кўплари ҳар гектар ердан 40—50—60 центнердан ва ундан ҳам ортиқ пахта топширдилар.

Бу фактларнинг ҳаммаси ўтган йилда давлат олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган районлар, колхозлар, совхозлар, бригада ва звеноларнинг барча раҳбарлари учун жуда равшан сабоқдир.

Ўтган йилда ўз мажбуриятларини бажаришни та'минлаш учун турсин, ҳатто йўл қўйиб бўлмайдиган даражада кам ҳосил олган—ҳар гектар ердан 12—15 центнердангина ва ундан ҳам кам пахта топширган колхозларнинг раҳбарлари ва пахтакорларига ҳам биз шундай та'на қиламиз.

Бобкент, Қизилтепа, Рометон, Олот, Оқдар'ё, Иштихон, Пойариқ, Жомбой, Мангит, Шовот, Янгиариқ, Пискент, Бекобод, Юқоричирчиқ, Молотов, Водил, Киров, Фрунзе, Поп, Чуст, Косонсой, Учқўрғон, Избоскан, Ҳолдевонбек, Ворошилов, Ойим, Узун, Сариосиё, Жарқўрғон районлари ўтган йилда айниқса кам ҳосил олдилар. Йўл қўйиб бўлмайдиган даражада кам ҳосил олган бу районларнинг пахтакорларига ҳам та'на қиламиз.

Булар шунинг учун ҳам кам ҳосил олдиларки, пахтачилик соҳасида бутун куч-қувватларини сарф қилиб ишламадилар, умумдавлат манфаатларига муносиб меҳнат қилиш ҳақида ғам емадилар, чидаб бўлмаслик даражада бўшанглик кўрсатдилар, қишлоқ хўжалик ишларини ташкил этишда катта камчиликларга йўл қўйиб келдилар.

Ўртоқ Сталин бизга та'лим бериб шундай дейди: **«Машиналар ва тракторлардан фойдаланишки яхшиласак, ерни ишлашни яхшиласак, биз маҳсулотларимизнинг миқдорини иккиуч марта кўпайтиришга эришамиз».**

Пахтачиликни ривожлантиришда, пахта ҳосилини оширишда давлатимиз Ўзбекистон пахтакорларига тобора кўпроқ ёрдам бериб келмоқда.

Большевиклар партиясининг, Совет ҳукуматининг ва шахсан ўртоқ Сталиннинг ҳормай-толмай қилаётган ғамхўрлиги туфайли, ҳарбир колхознинг пахтадан чинакам юқори ҳосил олиши, ўз жамоат бойлигини ошириши учун ҳамда ҳарбир ҳалол меҳнат қилучи колхозчи — пахтакорнинг жамоат хўжалигидан тобора кўпроқ даромад олиши учун барча шароит яратиб берилган.

Давлат бизни қудратли машина техникаси блан қуроллантирди, тобора кўпроқ минерал ўғит бермоқда ҳамда ирригация-мелиорация ишларини ўтказишда ва янги ерларни ўзлаштиришда ҳартомонлама ёрдам кўрсатмоқда. Бунинг ҳаммаси учун биз большевиклар партиясидан, Совет ҳукуматидан, севикли доҳимиз, отамиз ва устозимиз ўртоқ Сталиндан бениҳоя миннатдормиз.

Бундай шароитда бизлардан бир нарса: ҳалол ва фидокорлик блан ишлаш, қишлоқ хўжалиги артели Уставини муқаддас билиб, унга амал қилиш, Ватан олдидаги ватанпарварлик бурчимизни ҳамиша ёдда тутиш ҳамда умумдавлат манфаатлари ҳақида ҳормай-толмай ғамхўрлик қилиш талаб этилади.

Қадрдон ўртоқлар!

1950 йил пахтачилик учун олиб бораётган курашимизда алоҳида ўрин эгаллаши лозим. Ўзбекистон пахтакорлари олдида—ҳарқандай шароитда ҳам бу йил мамлакатга ўтган йилдагидан камида 500 минг тонна кўп пахта топшириш, яқин йиллар ичида эса пахта етиштиришни янада кенг миқ'ёсда кўпайтириш вазифаси туради.

Биз барча имкониятларимизни ҳартомонлама ҳисоблаб чиқиб, бу вазифани албатта шараф блан бажара оламиз деган қарорга келдик.

Бунинг учун нима талаб қилинади? Бунинг учун, даставвал, республикада пахтадан юқори ҳосил олиш учун ҳамда фақат илғор пахтакорларгина эмас, балки республиканинг барча пахтакорлари бутун йил давомида пахтадан мўл ҳосил етиштириш соҳасида бутун куч-қувватларини сарф қилиб ишлашлари учун чинакам оммавий умумхалқ социалистик мусобақасини қизитиб юбориш керак бўлади.

Пахта учун олиб бориладиган умумхалқ курашида колхозчилар, тракторчилар ва механиклар, совхоз, МТС ишчилари ва барча қишлоқ хўжалик мутахассислари шарафли ўринни эгаллашлари керак. Колхознинг ҳарбир меҳнатга лаёқатли а'зоси ва ҳарбир совхоз ишчиси 1950 йилда ўрта ҳисоб блан 2,5—3 тоннадан пахта етиштириши керак. Бу бизнинг шиоримиздир.

Иккинчидан пахтачилик соҳасидаги барча ишлар шундай бир юксак даражада олиб борилиши керакки, бу иш ҳарбир звено, ҳарбир бригада, ҳарбир колхоз, совхоз ва район томонидан олинган социалистик мажбуриятнинг тўла бажарилишига муносиб бўлсин.

Биз республика пахтакорларини бу йил пахтадан қуйидаги миқдорда ҳосил олиш учун умумхалқ социалистик мусобақасини қизитиб юборишга чақирамиз.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БУЙИЧА

Бутун пахта майдонининг ҳар гектаридан ўрта ҳисоб блан 27 центнердан пахта етиштириб давлатга топширамиз, шу жумладан:

Янгийўл райони — ҳар гектар ердан 36 центнердан;
Оржоникидзе райони — ҳар гектар ердан 36 центнердан;
Чиноз райони — ҳар гектар ердан 30 центнердан;
Оққўрғон райони — ҳар гектар ердан 28 центнердан;
Ўртачирчиқ райони — ҳар гектар ердан 28 центнердан;
Сирдар'ё райони — ҳар гектар ердан 25 центнердан;
Мирзачўл райони — ҳар гектар ердан 25 центнердан;
Юқоричирчиқ райони — ҳар гектар ердан 24 центнердан;
Бекобод райони — ҳар гектар ердан 23 центнердан;
Пискент райони — ҳар гектар ердан 23 центнердан;
Ховос райони — ҳар гектар ердан 22 центнердан;
Бўка райони — ҳар гектар ердан 24 центнердан;
«Ўзбекистон ССР бешйиллиги» совхози—ҳар гектар ердан 40 центнердан;
«Боёвут 1» совхози — ҳар гектар ердан 40 центнердан;
«Боёвут 2» совхози — ҳар гектар ердан 40 центнердан;
«Боёвут 3» совхози — ҳар гектар ердан 35 центнердан;
«Далварзин 1» совхози—ҳар гектар ердан 40 центнердан;
«Далварзин 3» совхози — ҳар гектар ердан 40 центнердан;
«Далварзин 2» совхози—ҳар гектар ердан 35 центнердан;
Сталин номли 17-нчи совхоз—ҳар гектар ердан 35 центнердан;
Сталин номли 16-нчи совхоз—ҳар гектар ердан 35 центнердан;
Янгийўл районидаги Каганович номли колхоз—520 гектар ерининг ҳар гектаридан ўрта ҳисоб блан 50 центнердан пахта топширади.
Ўртачирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхози 275 гектар ерининг ҳар гектаридан ўрта ҳисоб блан 50 центнердан пахта топширади.
Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози — 405 гектар ерининг ҳар гектаридан ўрта ҳисоб блан 45 центнердан пахта топширади.
Мирзачўл районидаги Молотов номли колхознинг ўртоқ Юнусов бошлиқ бригадаси 35 гектар ерининг ҳар гектаридан ўрта ҳисоб блан 70 центнердан пахта топширади.
Ўртачирчиқ районидаги «Қизил партизан» колхозининг ўртоқ Машаришов бошлиқ звеноси 6 гектар ерининг ҳар гектаридан ўрта ҳисоб блан 100 центнердан пахта топширади.
Сирдар'ё районидаги «Ҳақиқат» колхозининг ўртоқ Сара Зубрак бошлиқ звеноси 6 гектар ерининг ҳар гектаридан ўрта ҳисоб блан 80 центнердан пахта топширади.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ БУЙИЧА

Бутун пахта майдонининг ҳар гектаридан ўрта ҳисоб блан 25 центнердан пахта етиштириб давлатга топширамиз, шу жумладан:

Охунбобоев райони—ҳар гектар ердан 28 центнердан;
Қува райони—ҳар гектар ердан 27,5 центнердан;
Бағдод райони—ҳар гектар ердан 26 центнердан;
Тошлоқ райони—ҳар гектар ердан 27,5 центнердан;
Бувайда райони—ҳар гектар ердан 25,5 центнердан;
Каганович райони—ҳар гектар ердан 24 центнердан;
Куйбишев райони—ҳар гектар ердан 25 центнердан;
Олтиариқ райони—ҳар гектар ердан 25 центнердан;
Водил райони—ҳар гектар ердан 24 центнердан;
Молотов райони—ҳар гектар ердан 23 центнердан;
Фарғона райони—ҳар гектар ердан 22,5 центнердан;
Фрунзе райони — ҳар гектар ердан 22,5 центнердан;
Киров райони—ҳар гектар ердан 22 центнердан;
Қувасой райони—ҳар гектар ердан 21 центнердан;
Қува районидаги «Социализм» колхози 279 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 45 центнердан пахта топширади.
Бағдод районидаги «Большевик» колхози 280 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 42 центнердан пахта топширади.
Каганович районидаги «Ижтимоёт» колхози 176 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 42 центнердан пахта топширади.
Молотов районидаги Энгельс номли колхоз 145 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 42 центнердан пахта топширади.
Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхознинг ўртоқ Узоқов бошлиқ бригадаси 35 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 60 центнердан пахта топширади.
Молотов районидаги Пушкин номли колхознинг ўртоқ Исомиддинов бошлиқ бригадаси 25 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 60 центнердан пахта топширади.
Бағдод районидаги «Большевик» колхозининг ўртоқ Сафаров бошлиқ звеноси 6 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 100 центнердан пахта топширади.
Қува районидаги Карл Маркс номли колхознинг ўртоқ Абдурахмонов бошлиқ звеноси 6 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 100 центнердан пахта топширади.
Олтиариқ районидаги «Қизил қўшин» колхозининг ўртоқ Имомов бошлиқ звеноси 6 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 100 центнердан пахта топширади.
Куйбишев районидаги «Намуна» колхозининг ўртоқ Султонов бошлиқ звеноси 6 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 100 центнердан пахта топширади.
Тошлоқ районидаги «Қизил ой» колхозининг ўртоқ Камолова бошлиқ звеноси 6 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 100 центнердан пахта топширади.
Куйбишев районидаги Тельман номли колхознинг ўртоқ Бозорова бошлиқ звеноси 6 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 100 центнердан пахта топширади.

НАМАНГАН ОБЛАСТИ БУЙИЧА

Бутун пахта майдонининг ҳар гектаридан ўрта ҳисоб блан 27 центнердан пахта етиштириб давлатга топширамиз, шу жумладан:

Наманган райони — ҳар гектар ердан 31 центнердан;
Уйчи районы—ҳар гектар ердан 31 центнердан;
Тўрақўрғон райони — ҳар гектар ердан 27 центнердан;
Янгиқўрғон райони — ҳар гектар ердан 26,5 центнердан;
Норин районы—ҳар гектар ердан 26,4 центнердан;
Учқўрғон райони — ҳар гектар ердан 26 центнердан;
Поп районы — ҳар гектар ердан 25 центнердан;
Косонсой районы — ҳар гектар ердан 24,5 центнердан;
Чуст районы — ҳар гектар ердан 23 центнердан;
«Пахталиқўл» совхози — ҳар гектар ердан 40 центнердан;
«Қизилровот» совхози—ҳар гектар ердан 40 центнердан;
«Норин» совхози — ҳар гектар ердан 30 центнердан;
«Гулбог» совхози—ҳар гектар ердан 30 центнердан;
Янгиқўрғон районидаги Сталин номли колхоз 455 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 50 центнердан пахта топширади.
Уйчи районидаги Сталин номли колхознинг ўртоқ Ҳамидов бошлиқ бригадаси 25 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 70 центнердан пахта топширади.
Янгиқўрғон районидаги Сталин номли колхознинг ўртоқ Абдурахмонов бошлиқ звеноси 6,5 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 100 центнердан пахта топширади.
Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» колхозининг ўртоқ Қўзибоев бошлиқ звеноси 6 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 75 центнердан пахта топширади.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ БУЙИЧА

Бутун пахта майдонининг ҳар гектаридан ўрта ҳисоб блан 28 центнердан пахта етиштириб давлатга топширамиз, шу жумладан:

Ленин райони — ҳар гектар ердан 31 центнердан;
Андижон райони — ҳар гектар ердан 31 центнердан;
Пахтаобод райони — ҳар гектар ердан 31 центнердан;
Олтинкўл райони—ҳар гектар ердан 29,6 центнердан;

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Ўзбекистон ССР даги барча колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ишчилари, тракторчилари, механиклари ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларига

Ўзбекистон пахтачилик илғорлари VI қурултойи вакилларининг

МУРОЖААТИ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Ибоскан районида—ҳар гектар ердан 29 центнердан;
Марҳамат районида—ҳар гектар ердан 29 центнердан;
Ҳўжаобод районида — ҳар гектар ердан 29 центнердан;
Сталин районида—ҳар гектар ердан 27 центнердан;
Ворошилов районида — ҳар гектар ердан 27 центнердан;
Ойим районида — ҳар гектар ердан 26 центнердан;
Жалақудуқ районида — ҳар гектар ердан 26 центнердан;
Балиқчи районида — ҳар гектар ердан 25 центнердан;
Чиновод районида—ҳар гектар ердан 23 центнердан;
Ҳолдивонбек районида — ҳар гектар ердан 23 центнердан;
«8-нчи совхоз» — ҳар гектар ердан 30 центнердан;
«Совой» совхозида—ҳар гектар ердан 30 центнердан;

Ленин районидаги «Сталинчи» колхозида 1.090 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 40 центнердан пахта топширади.

Андижон районидаги Сталин номли колхоз 288 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 45 центнердан пахта топширади.

Андижон районидаги Дзержинский номли колхозининг ўртоқ Ҳасанов бошлиқ бригадаси 45 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 65 центнердан пахта топширади.

Олтинкўл районидаги «Известия» колхозининг ўртоқ Жўраев бошлиқ звеноси 6 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 100 центнердан пахта топширади.

Хўжаобод районидаги Сталин номли колхозининг ўртоқ Орипова бошлиқ звеноси 6 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 100 центнердан пахта топширади.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ БУЙИЧА

Бутун пахта майдонининг ҳар гектаридан ўрта ҳисоб блан 22 центнердан пахта етиштириб давлатга топширамиз, шу жумладан:

Пурота районида—ҳар гектар ердан 30 центнердан;
Пастдарғом районида — ҳар гектар ердан 26 центнердан;
Каттақўрғон районида — ҳар гектар ердан 26 центнердан;
Пахтакор районида — ҳар гектар ердан 25 центнердан;
Жиззах районида—ҳар гектар ердан 25 центнердан;
Хатирчи районида — ҳар гектар ердан 25 центнердан;
Самарқанд районида — ҳар гектар ердан 22 центнердан;
Зомин районида — ҳар гектар ердан 22 центнердан;
Қорадарё районида — ҳар гектар ердан 21 центнердан;
Комсомол районида — ҳар гектар ердан 21 центнердан;
Оқдарё районида — ҳар гектар ердан 20 центнердан;
Ғаллаорол районида — ҳар гектар ердан 20 центнердан;
Жомбой районида—ҳар гектар ердан 20 центнердан;
Иштихон районида — ҳар гектар ердан 20 центнердан;
Қорақишлоқ районида — ҳар гектар ердан 20 центнердан;
Метон районида—ҳар гектар ердан 20 центнердан;
Пойариқ районида — ҳар гектар ердан 20 центнердан;

Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли колхоз 194 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 45 центнердан пахта топширади.

Самарқанд районидаги Каганович номли колхоз 160 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 45 центнердан пахта топширади.

Пахтакор районидаги Карл Маркс номли колхозининг ўртоқ Жумаев бошлиқ бригадаси 32 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 50 центнердан пахта топширади.

Пойариқ районидаги Ленин номли колхозининг ўртоқ Ражабов бошлиқ звеноси 9 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 60 центнердан пахта топширади.

Пастдарғом районидаги Димитров номли колхозининг ўртоқ Қўлдошев бошлиқ звеноси 7 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 100 центнердан пахта топширади.

БУХОРО ОБЛАСТИ БУЙИЧА

Бутун пахта майдонининг ҳар гектаридан ўрта ҳисоб блан камида 21 центнердан пахта етиштириб давлатга топширамиз, шу жумладан:

Ғиждувон районида—ҳар гектар ердан 26 центнердан;
Шофирикон районида—ҳар гектар ердан 26 центнердан;
Қоракўл районида—ҳар гектар ердан 24 центнердан;
Свердлов районида — ҳар гектар ердан 22 центнердан;
Кармана районида—ҳар гектар ердан 22 центнердан;
Бухоро районида — ҳар гектар ердан 20 центнердан;
Вобкент районида — ҳар гектар ердан 20 центнердан;
Қизилтепа районида—ҳар гектар ердан 20 центнердан;
Конимех районида—ҳар гектар ердан 20 центнердан;
Рометон районида—ҳар гектар ердан 20 центнердан;
Олот районида—ҳар гектар ердан 20 центнердан;
Когон районида—ҳар гектар ердан 20 центнердан;
«Норпой» совхозида—ҳар гектар ердан 25 центнердан;

Свердлов районидаги Киров номли колхоз 180 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 40 центнердан пахта топширади.

Ғиждувон районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг ўртоқ Ниёзов бошлиқ бригадаси 30 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 60 центнердан пахта топширади.

Кармана районидаги «Қизил қуч» колхозининг ўртоқ Облоқулова бошлиқ звеноси 7 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 75 центнердан пахта топширади.

ҚАШҚАДАР'Ё ОБЛАСТИ БУЙИЧА

Бутун пахта майдонининг ҳар гектаридан ўрта ҳисоб блан 26 центнердан пахта етиштириб давлатга топширамиз, шу жумладан:

Шаҳрисабз районида—ҳар гектар ердан 30 центнердан;
Китоб районида—ҳар гектар ердан 30 центнердан;
Камаши районида — ҳар гектар ердан 25 центнердан;
Қарши районида — ҳар гектар ердан 24 центнердан;
Чироқчи районида — ҳар гектар ердан 24 центнердан;
Яккабоғ районида—ҳар гектар ердан 24 центнердан;

Китоб районидаги «Қизил юлдуз» колхозида 460 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 36 центнердан пахта топширади.

Китоб районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг ўртоқ Рустамов бошлиқ бригадаси 50 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 70 центнердан пахта топширади.

Китоб районидаги «Бирлик» колхозининг ўртоқ Меликулов бошлиқ звеноси 8 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 100 центнердан пахта топширади.

СУРХОНДАР'Ё ОБЛАСТИ БУЙИЧА

Бутун пахта майдонининг ҳар гектаридан ўрта ҳисоб блан 28 центнердан пахта етиштириб давлатга топширамиз, шу жумладан:

Денов районида — ҳар гектар ердан 32 центнердан;
Узун районида — ҳар гектар ердан 30 центнердан;
Термиз районида — ҳар гектар ердан 28 центнердан;
Шўрчи районида — ҳар гектар ердан 28 центнердан;
Сариосиё районида—ҳар гектар ердан 28 центнердан;
Жарқўрғон районида — ҳар гектар ердан 26 центнердан;
Шеробод районида — ҳар гектар ердан 24 центнердан.
«Ҳазорбоғ» совхозида—ҳар гектар ердан 30 центнердан;
«Сурхон» совхозида — ҳар гектар ердан 24 центнердан;
«Комсомол 30 йиллиги» совхозида—ҳар гектар ердан 24 центнердан;

Денов районидаги «Қизил тўлқин» колхозида 210 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 50 центнердан пахта топширади.

Денов районидаги «Шарқ ҳақиқати» колхозининг ўртоқ Бегимқулов бошлиқ бригадаси 60 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 68 центнердан пахта топширади.

Сариосиё районидаги «Ленин нишони» колхозининг ўртоқ Носиров бошлиқ звеноси 6 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 100 центнердан пахта топширади.

Шўрчи районидаги «Ёш ғайрат» колхозининг ўртоқ Ҳўжамқулов бошлиқ звеноси 6 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 100 центнердан пахта топширади.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ БУЙИЧА

Бутун пахта майдонининг ҳар гектаридан ўрта ҳисоб блан камида 20 центнердан пахта етиштириб давлатга топширамиз, шу жумладан:

Урганч районида — ҳар гектар ердан 23 центнердан;
Қўшкўпир районида — ҳар гектар ердан 23 центнердан;
Ҳазорасп районида—ҳар гектар ердан 22 центнердан;
Хева районида—ҳар гектар ердан 23 центнердан;
Хонқа районида—ҳар гектар ердан 21 центнердан;
Гурлан районида—ҳар гектар ердан 20 центнердан;
Шовот районида—ҳар гектар ердан 20 центнердан;
Янгиариқ районида—ҳар гектар ердан 20 центнердан;
Манғит районида—ҳар гектар ердан 20 центнердан;

Қўшкўпир район Ғазавот қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз 375 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 40 центнердан пахта топширади.

Урганч район Қоровул қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз 233 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 38 центнердан пахта топширади.

Ҳазорасп районидаги Ленин номли колхоз 250 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 35 центнердан пахта топширади.

Хева районидаги «VII Партс'езд» колхозининг ўртоқ Худойберганов бошлиқ бригадаси 26 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 55 центнердан пахта топширади.

Қўшкўпир районидаги Сталин номли колхозининг ўртоқ Ёқубова бошлиқ звеноси 6 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисобда 100 центнердан пахта топширади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР БУЙИЧА

Бутун пахта майдонининг ҳар гектаридан ўрта ҳисоб блан 22 центнердан пахта етиштириб давлатга топширамиз, шу жумладан:

Тўрткўл районида—ҳар гектар ердан 25 центнердан;
Хўжайли районида—ҳар гектар ердан 25 центнердан;
Шоббоз районида—ҳар гектар ердан 23 центнердан;
Кегайли районида—ҳар гектар ердан 23 центнердан;
Қипчоқ районида—ҳар гектар ердан 22 центнердан;
Чимбой районида — ҳар гектар ердан 20 центнердан;
Қўнғирот районида — ҳар гектар ердан 20 центнердан;
Қуйбишев районида—ҳар гектар ердан 20 центнердан;
Тахтакўпир районида—ҳар гектар ердан 20 центнердан;
Қораўзак районида—ҳар гектар ердан 20 центнердан;

Тўрткўл районидаги Жданов номли колхоз 185 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 35 центнердан пахта топширади.

Чимбой районидаги Охунбобоев номли колхозининг ўртоқ Ёқубов бошлиқ бригадаси 35 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 55 центнердан пахта топширади.

Тўрткўл районидаги Юсупов номли колхозининг ўртоқ Авезов бошлиқ звеноси 7 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисоб блан 90 центнердан пахта топширади.

Биз шуни яхши биламизки, бундай ва бундан ҳам юқори ҳосилни қўлга киритиш осон иш эмас. Аммо, шу блан бирга биз ўнинг пахтакорларимиз бундай мўл ҳосилни албатта етиштираоладилар деб ишонамиз.

Биз, даставвал, шунинг учун ҳам ишонамизки, кенг колхозчилар оммаси, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ хўжалигининг барча ходимлари катта ватанпарварлик кўтаринкилиги блан яшамоқдалар, улар большевиклар партияси, Совет ҳукуматимиз ва севимли отамиз, устозимиз ўртоқ Сталин ҳар доим кўрсатиб келаётган улуғ ғамхўрлиққа амалий иш блан муносиб жавоб бериш орзуси блан тўлиб-тошгандирлар.

Биз яна шунинг учун ҳам ишонамизки, Ўзбекистоннинг колхозлари, МТСлари ва совхозлари бу йил қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги учун яна кўп машина оладилар, минерал ўғит ва бошқа моддий техника воситалари блан та'минланадилар.

Ниҳоят, биз яна шунинг учун ҳам ишонамизки, кўп колхозлар, МТСлар ва совхозларнинг ишида ўтган йили жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлигига қарамай, Ўзбекистон пахтакорлари қийинчиликларга қарши курашда, янгидан катта тажриба ортдирдилар, бу тажриба уларга бу йил пахтадан чиқакам юқори ҳосил етиштириш учун ишонч блан, зўр бериб курашиш имкониятини беради.

Пахта етиштириш соҳасидаги барча қишлоқ хўжалик ишларини энг қисқа ва эрта муддатларда илғор агротехника даражасида ўтказиш — ҳарбир колхоз, совхоз, ҳарбир бригада ва звенонинг ўз социалистик мажбуриятларини бажариши учун энг яхши гаровдир. Шунга эришмоқ керакки, етиштирилган ҳосилнинг камида 80 процента биринчи совуқ тушгунга қадар, я'ни 15—20 октябрьгача пишиб етсин.

Бунинг учун нима қилиш керак?

Бунинг учун биз пахта ерларини 20—25 мартдан кечикмай ҳамма жойда экишга тайёрлаймиз, экишгача бўлган барча ишларни яхши ташкил қилиб, барча колхоз ва совхозларда ерни чимқирқарли плуглар блан чуқур ҳайдаймиз ва экиш бошланғунга қадар ҳарбир далада ерининг тўла яхши ишланишини та'минлаймиз, экиш ишларини эса ҳарбир районда дарҳол кенг миқ'ёсда кучайтириб юборамиз;

Чигитни 10—12 кун ичида экиб бўламиз, бу ишни: Сурхондар'ё областида ва совхозларда 8 апрельдан кечикмай, Фарғона водисида, Бухоро ва Қашқадар'ё областъларида 10 апрельдан кечикмай, Самарқанд ва Тошкент областида 12 апрельдан кечикмай, Хоразм областида ва Қорақалпоғистон АССРда 15 апрельдан кечикмай тамомлаймиз;

Ҳамма майдонда чигитнинг апрель охиригача бир текис ва соғлом униб чиқишини та'минлаймиз, чигитнинг униб чиқишини тезлатиш ҳамда ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлишини та'минлаш учун ҳамма зарур ташкилий ва агротехника тадбирларини амалга оширамиз. Чигитни ердаги нам блан ундириб олиш бу ишда жуда муҳим ўрин тутади;

Чигит униб чиқиб қаторлар билиниши блан, ҳаммасининг ялпи униб чиқишини кутиб турмай, қатор ораларини юқори сифатли қилиб биринчи ишлашни ва яганаларини бошлаб юборамиз, қатор ораларини биринчи ишлашни 5—10 майда тамомлаймиз.

Ғўзаларни иккинчи марта парваришқилиш юзасидан бўлган ҳамма ишларни — ўғит солиш, суғориш, культивация қилиш ва чопишни 12—15 кунда ўтказамиз;

Ғўзанинг бундан кейинги ўсиш даврида, то август ойининг бошларигача, пахта юзасидан бўлган қишлоқ хўжалик ишларини шундай уюштирамизки, ҳарбир далада ғўза тагларини доим юмшоқ ва нам ҳолда сақлаймиз, ҳарбир туп ғўзанинг нормал озиқланишини та'минлаймиз;

20 июльгача ғўзаларни минерал ўғитга чиритган гўнг аралаштириб машина блан камида 2—3 марта озиқлантирамиз;

Суғоришни айниқса ғўза ўсадиган биринчи даврда тўғри ўтказишга катта аҳамият берамиз;

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига ва ғўза касалликларига қарши кураш юзасидан олдиндан ҳамма зарур тадбирларни ўтказамиз, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни ўз вақтида кучайтириб юборамиз, уларнинг тарқалишига асло йўл қўймаймиз;

Ҳамма область ва районларда шўр ерларни ювишни 1 февральгача тамомлаймиз, Хоразм областида ва Қорақалпоғистон АССРда эса шўр ерларни ювишни 15 мартдан кечиктирмай тамомлаймиз.

Ирригация-мелиорация ишлари юзасидан белгиланган биринчи навбатдаги ишларни ҳарбир район ва колхозда икки ой мобайнида сўзсиз бажарамиз, токи бу йил республикада сув танқислигидан ёки ерларнинг мелиорация жиҳатидан ноқулай аҳволда бўлишидан зарар кўрган биронта ҳам колхоз бўлмасин.

Биз бу йил ғалвирлик унумдор бўлмаган, тошлоқ ва қумли бўлган камида 250 минг гектар ерда қатор ораларини торроқ, 60 сантиметр қилиб чигит экишни зарур деб ҳисоблаймиз, шунингдек камида 100 минг гектар ерда ғўза тупларини якка-якка қолдириш усулида чигит экишни кенг миқ'ёсда тажриба қиламиз.

Биз ҳарбир колхозда жорий қилинган алмашлаб экишга мувофиқ пахтани энг унумдор ерларга тўғри жойлаштириш зарурлигига барча пахтакорларнинг э'тиборини жалб қиламиз. Чигит экиладиган ерларни агрономлар ва энг яхши тажрибакорлар иштирокида диққат блан ўлчаб ажратиш керак, токи чигит кам экилган бўлмасин, шу блан бирга, ерларни чигит экишга тайёрлаш тадбирлари ишлаб чиқилсин.

Биз бригада ва звеноларни тўғри тузишга, ер участкаларч, иш ҳайвонлари, қишлоқ хўжалик асбобларини уларга тўғри биркитиб беришга, шу блан бирга бу ишда ўтган йили йўл қўйилган жиддий хатоларни ҳисобга олишга алоҳида э'тибор беришни тавсия қиламиз, бу хатолар даставвал бригада ва звеноларнинг эгасизлантириб қўйилишида, кўпгина бригада ва звеноларнинг нотўғри тузилишида, уларга ерларни нотўғри биркитилишида, уларнинг иш ҳайвонлари ва асбоблар блан та'минланмаслигида кўринди.

Бу йил пахтачиликни юксалтириш учун социалистик мусобақага ҳамма колхозчиларни, МТС ва совхоз ишчиларини, тракторчиларни ва барча қишлоқ хўжалик мутахассисларини жалб қилиш зарур. Социалистик мусобақада юзцентнерчилар ҳаракатини кенг кучайтириш асос қилиб олиниши керак.

Бу йил республикамизда гектаридан 30—40—50 ва ундан кўп центнердан пахта ҳосили олиш учун курашучи колхозлар 2 — 3 марта кўп бўлиши, гектаридан 20 центнердан кам пахта оладиган биронта ҳам колхоз бўлмаслиги керак.

Бизнинг вазифамиз социалистик мусобақани шундай уюштиришдан иборатки, бунинг натижасида социалистик мусобақа ишчанлик блан олиб борилсин, мусобақа натижалари ўзаро мунтазам суратда текшириб турилсин, ҳамма камчиликлар ҳаддиллик блан танқид қилинсин ва мусобақа натижалари кенг ёйилсин.

Ўртоқлар! 1950 йилда биз ўнинг олдимизда суғориладиган ер майдонларини, беданоларни кенгайтириш ва алмашлаб экишни жорий қилиш соҳасида ҳам катта вазифалар турибди.

Биз қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммамизга олиб, Сизларни ҳам шу мажбуриятларни бажариш учун социалистик мусобақани кучайтиришга чақирамиз:

Тошкент областида — бу йил экиш учун 37,3 минг гектар сувли ерни ўзлаштирамиз, 27,7 минг гектар ерга яна беда экамиз ва беданоя майдонини 75,3 минг гектарга етказамиз. Ўтган йилларда экилган беданоялардан ўрта ҳисоб блан гектар бошига камида 74 центнердан беда оламиз, 7,2 минг гектар уруғлик майдони ажратамиз ва ҳар гектар ердан камида 2 центнердан уруғ оламиз.

Фарғона областида — бу йил экиш учун 19,8 минг гектар сувли ерни ўзлаштирамиз, 26,0 минг гектар ерга яна беда экамиз ва беданоя майдонини 62 минг гектарга етказамиз.

Ўтган йилларда экилган беданоялардан ўрта ҳисоб блан гектар бошига камида 72 центнердан беда оламиз, 6,2 минг гектар уруғлик майдони ажратамиз ва ҳар гектар ердан ўрта ҳисоб блан камида 2 центнердан уруғ оламиз.

Наманган областида — бу йил экиш учун 3,4 минг гектар сувли ерни ўзлаштирамиз, 13,7 минг гектар ерга яна беда экамиз ва беданоя майдонини 36 минг гектарга етказамиз.

Ўтган йиллардаги беданоялардан ўрта ҳисоб блан гектар бошига камида 72 центнердан беда оламиз, 3,8 минг гектар уруғлик майдони ажратамиз ва ҳар гектар ердан ўрта ҳисоб блан камида 2 центнердан уруғ оламиз.

Андижон областида — бу йил экиш учун 20,6 минг гектар сувли ерни ўзлаштирамиз, 24,5 минг гектар ерга беда экамиз, беданоя майдонини 53 минг гектарга етказамиз.

Илгариги йилларда экилган ҳамма беданоялардан ўрта ҳисоб блан гектар бошига 72 центнердан беда оламиз. 5 минг гектар уруғлик майдони ажратамиз ва ҳар гектар ердан ўрта ҳисоб блан камида 2 центнердан беда уруғи оламиз.

Самарқанд областида — бу йил экиш учун кўкламгача 3 минг гектар сувли ерни ўзлаштирамиз, 21,6 минг гектар ерга яна беда экамиз, беданоя майдонини 66,2 минг гектарга етказамиз.

Ўтган йилларда экилган беданоялардан ўрта ҳисоб блан гектар бошига камида 69 центнердан беда оламиз, 6,7 минг гектар уруғлик майдони ажратамиз ва ҳар гектар ердан ўрта ҳисоб блан камида 2,2 центнердан уруғ оламиз.

Бухоро областида — бу йил кўкламда экиш учун 14,9 минг гектар сувли ерни ўзлаштирамиз, 22 минг гектар ерга яна беда экамиз, беданоя майдонини 51 минг гектарга етказамиз.

Илгариги йилларда экилган беданоялардан ўрта ҳисоб блан гектар бошига камида 67 центнердан беда оламиз, 5,1 минг гектар уруғлик майдони ажратамиз ва ҳар гектар ердан ўрта ҳисоб блан камида 2 центнердан уруғ оламиз.

Қашқадар'ё областида — бу йил кўкламда экиш учун 1,9 минг гектар сувли ерни ўзлаштирамиз, 10,8 минг гектар ерга яна беда экамиз, беданоя майдонини 22 минг гектарга етказамиз.

Илгариги йилларда экилган беданоялардан ўрта ҳисоб блан гектар бошига камида 58 центнердан беда оламиз, 1,5 минг гектар уруғлик майдони ажратамиз ва ҳар гектар ердан ўрта ҳисоб блан камида 2 центнердан уруғ оламиз.

Сурхондар'ё областида — бу йил экиш учун 9,6 минг гектар сувли ерни ўзлаштирамиз, 12,8 минг гектар ерга яна беда экамиз, беданоя майдонини 25,5 минг гектарга етказамиз.

Илгариги йилларда экилган беданоялардан гектар бошига ўрта ҳисоб блан камида 67 центнердан беда оламиз, 2 минг гектар уруғлик майдони ажратамиз ва ҳар гектар ердан ўрта ҳисоб блан камида 2 центнердан уруғ оламиз.

Хоразм областида — бу йил экиш учун 22,7 минг гектар сувли ерларни ўзлаштирамиз, 20 минг гектар ерга яна беда экамиз, беданоя майдонини 42 минг гектарга етказамиз.

Илгариги йилларда экилган беданоялардан гектар бошига ўрта ҳисоб блан камида 68 центнердан беда оламиз, 4,8 минг гектар уруғлик майдони ажратамиз ва ҳар гектар ердан камида 2 центнердан уруғ оламиз.

Қорақалпоғистон АССРда — бу йил экиш учун 23,4 минг гектар сувли ерни ўзлаштирамиз, 20,9 минг гектар ерга яна беда экамиз, беданоя майдонини 53 минг гектарга етказамиз.

Илгариги йилларда экилган беданоялардан гектар бошига ўрта ҳисоб блан камида 68 центнердан беда оламиз, 7,7 минг гектар уруғлик майдони ажратамиз ва ҳар гектар ердан ўрта ҳисоб блан камида 2,5 центнердан уруғ оламиз.

Биз 1950 йилда жамоат чорвачилигини ривожлантириш давлат планини сўзсиз бажаришни та'минлаймиз, шунингдек хўжаликнинг бошқа тармоқларини жиддий равишда юксалтирамиз ва барча колхоз, совхозларни шунга чақирамиз.

Қадрдон ўртоқлар!

Партия ва ҳукуматимизнинг Ўзбекистон ССР да қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун зўр ёрдам берганлиги туфайли кейинги йилларда республикамиз колхозларининг жамоат хўжалиги анча мустаҳкамланди, колхозчиларнинг жамоат хўжалигидан оладиган пул ва натура даромади анча кўпайди ва колхозларнинг жамоат бойлигини ва колхозчиларнинг моддий фаровонлигини янада ошириш учун ҳамма зарур шароитлар яратилди. Шу шароитда ҳарбир колхозчидан фақат бир нарса, у ҳам бўлса колхозда халол ва фидокорона меҳнат қилиш талаб қилинади, шуни ҳамма вақт эсда тутиш керакки, фаровон ва маданий ҳаётимизнинг моддий асоси колхознинг жамоат хўжалиги, пахтадан етиштирилган мўл ҳосилимиздир.

Мана шуларни назарда тутиб, биз томорқаларнинг бир оз камайтирилишини ва колхозчиларнинг ҳарамоғидаги моллар сонини ҳам камайтиришни яқдиллик блан зарур деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, бир қисм колхозчиларнинг бир йилда 300—350 ва ундан кўпроқ меҳнат куни ишлаши, ба'зи бир колхозчиларнинг эса ҳатто белгиланган минимум меҳнат кунларини ҳам ишламаганликлари сра кечирарли эмас. Биз барча колхозчиларни бу йил камида 250 тадан меҳнат куни ишлашга чақирамиз.

Биз ҳарбир тракторчини, ҳарбир механикни ва МТСларнинг барча ходимларини пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун бошланган умумхалқ ҳаракатига қўшилишга чақирамиз. Биз илғорларнинг тажрибасига асосланиб, тракторчилар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни олишлари керак деб ҳисоблаймиз: экиш даврида гилдиракли ҳарбир трактор блан камида 150 гектар ва занжирли трактор блан камида 250—300 гектар ерни ҳайдаш; камида 150 гектар ерга чигит экиш, мавсум давомида 1000 гектар ерда этат олиш ва культивация қилиш, «Универсал» тракторларнинг ғўза қатор ораларини культивация қилиш даврида икки сменада ишлашини та'минлаш. Шу блан бирга барча трактор ишлари юқори сифатли қилиб энг қулай муддатларда ўтказилиши лозим. Трактор ишларининг бажарилишини МТС ҳам, колхозлар ҳам ўзаро тузилган шартномалар асосида доим назорат қилиб туришлари керак.

Илғор агрономия фанининг энг яхши муваффақиятларидан амалда кенг фойдаланган тақдирдагина республика бўйича белгиланган миқдорда пахта ҳосили олиш мумкинлигини э'тиборга олиб, биз қишлоқ хўжалик соҳасида ишлаётган барча илмий-текшириш муассасаларини, барча қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги олимларини ҳамда мутахассисларини социалистик мусобақага актив қўшилишга чақирамиз. Олимларимиз ва мутахассисларимиз пахтадан юқори ҳосил олиш юзасидан батафсил тадбирларни ишлаб чиқишда ҳозирданоқ колхоз ва совхозларга ёрдам беришлари, шу блан бирга, агрономия пропагандасини кучайтиришда ва илғорлар тажрибасини ёйишда бизга ёрдам кўрсатишлари керак.

Биз барча саноат ходимларини, айниқса қишлоқ хўжалиги ва ирригация машиналари, бу машиналар учун запас қисмлар, от қўшиладиган асбоблар, минерал ўғитлар ишлаб чиқаручи корхоналарнинг коллективларини пахтачиликни юксалтириш учун бошланган социалистик мусобақада актив қатнашишга чақирамиз. Улар даставвал ўзларининг ишлабчиқариш планларини ошириб бажариш йўли блан бизга катта ёрдам кўрсатишлари лозим ва кўрсата оладилар.

Биз шаҳарлардаги барча меҳнаткашларни МТС ва совхозларга шефлик ишларини кучайтиришга, айниқса ҳисобкитоб ишларини йўлга қўйишда, колхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида маданий-оқартув ишларини кучайтиришда ёрдам беришга чақирамиз.

Қадрдон ўртоқлар! 1950 йил урушдан кейинги сталинча бешйилликнинг сўнгги йилидир. Мамлакатимизнинг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари ва совет зиёлилари ҳарбир коллектив учун белгиланган бешйиллик планни тўла ва ошириб бажариш учун бутун куч-қувватларини сарфламоқдалар.

Биз ҳам ўз олдимизга шундай вазифаларни қўямиз.

Пишмизда уюшқоқликни оширайлик, пахта далаларида фидокорона меҳнат қилайлик!

Давлат олдида зиммамизга олган социалистик мажбуриятларни ҳалол бажарайлик!

Яшасин қудратли Совет Ватанимиз!

Яшасин жонажон большевиклар партиямиз!

Яшасин севикли отамиз, дўстимиз ва устозимиз улуғ Сталин!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПАХТАЧИЛИК ИЛҒОРЛАРИ VI ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, ЯКДИЛЛИК БЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР НИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БЛАН ТАБРИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА ЎЗБЕКИСТОН К(б)П МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Бошқирдистон АССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети ва ВКП(б) Бошқирдистон Область Комитети Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг шонли 25 йиллиги кунида қардош ўзбек халқига Бошқирдистон меҳнаткашлари номидан самимий салом ва қизғин табрикларимизни йўллайдилар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси шу 25 йил ичида, ленинча-сталинча миллий сиёсатдан илҳом олган Совет Иттифоқи халқларининг дўстона оиласида, большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида, улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами туфайли кураш ва ғалабаларнинг шонли йўлини босиб ўтди.

Ўтмишда чориизм ва маҳаллий эксплоататорлар томонидан қаттиқ эзилган ўзбек халқи Совет ҳокимияти йилларида ўртоқ Сталининг етакчилигида, патриархал-феодал тузумдан қутилиб, озод, бахтиёр ҳаётнинг кенг йўлига чиқди.

Шу 25 йил ичида Совет Ўзбекистонида кучли илғор саноат, машиналаштирилган социалистик қишлоқ хўжалиги вужудга келтирилди, шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданият яшнади.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Улуғ Ватан урушни йилларида фашист босқинчиларга қарши мардона курашдилар ва мамлакат ичкарисида фидокорона меҳнат қилдилар, энг ашаддий душманимиз бўлган немис фашизми ва япон империализми устидан ғалаба қозонишимизга замин тайёрладилар.

Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашлари урушдан кейинги сталинча бешйиллик планни бажариш учун курашда фидокорона меҳнат қилиб, мамлакатимизда коммунизм қурилишига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Бошқирдистон меҳнаткашлари қардош ўзбек халқининг муваффақиятларидан қувонадилар ва унинг Совет Ўзбекистонининг экономикаси ва маданиятини янада ривожлантиришда янгидан-янги муваффақиятларга эришишини тилайдилар.

Яшасин Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси!

Яшасин СССР халқларининг мустаҳкам дўстлиги!

Яшасин ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Бутун Иттифоқ Коммунист (большевик)лар партияси!

Яшасин халқларнинг йўлбошчиси ва устози улуғ **Сталин!**

Бошқирдистон АССР Олий Совети Президиуми.

Бошқирдистон АССР Министрлар Совети.

ВКП(б) Бошқирдистон Область Комитети.

Республикамиз СССР Олий Советига сайловларга тайёрланмоқда

★ ★

Сайлов ҳақидаги Низом ўрганилмоқда

Тошкент шаҳар, Марказий райондаги 22-нчи агитпункт ўтган сайловдан бери ўз ишини тўхтаттани йўқ. СССР Олий Совети сайловлари муносабати блан, агитпункт ўз ишини яна кучайтириб юборди.

22-нчи агитпунктга Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг партия ташкилоти раҳбарлик қилмоқда. Агитпункт ишига Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг партия ташкилоти ҳам яқиндан қатнашмоқда. Агитпунктда 80 дан ортиқ агитатор ишламоқда.

Агитколлектив Киров номли, Охунбобоев номли, Сталин номли, Карл Маркс номли ва бошқа бирқанча кўчалардаги 85 хонадонга хизмат қилмоқда. Агитаторлардан Дониёр Хўжаев, Бобоев ва бошқа ўртоқлар сайловчилар ўртасида «СССР Олий Совети сайловлари ҳақидаги Низом» ҳақида суҳбатлар ўтказишга киришдилар.

22-нчи агитпункт яхши жиҳозланган. Газета ва журналлар доим келиб турипти. Агитпунктга телефон қурилган. Бино партия ва совет ҳукумати раҳбарларининг портретлари блан безатилган. Деворларга шиорлар, плакатлар, фото расмлар ёпиштирилган.

Агитпункт яқин кунларда сайловчилар учун лекциялар, доклалар ўтказади. Бу ерда концертлар ва кино фильмлар қўйиб берилади.

Р. АБДУЛЛАЕВ.

Пойтахтнинг агитпунктларида

СССР Олий Совети сайловларига тайёргарлик борган сари кучаймоқда. Тошкентда 233 та агитпункт ишга тушди. Ҳамма районларда агитколлектив раҳбарлари танланиб, тасдиқланди, улар блан раҳбарлик кенгашлари ўтказилди.

Пойтахтдаги партия, комсомол, касаба союз ва жамоат ташкилотлари аҳоли ўртасида агитация ишлари олиб бориш учун 10 минга яқин агитатор ажратдилар. Ҳозирги вақтда агитаторлар шаҳар меҳнаткашларини сайлов ҳақидаги Низом блан таништирмоқдалар, Совет сайлов системаси ҳақида суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Ленин районида ўртоқ Передеренко раҳбарлик қилаётган 11-нчи агитколлектив яхши ишламоқда. Агитпункт биноси плакатлар, шиорлар блан безатилган ва яхши жиҳозланган. Бинода радио карнайлари ўрнатилган, қироатхона, кутубхона бор.

Кечқурунлари агитпункт айниқса гавжум. Яқинда агитпунктда совет халқининг улуғ йўлбошчиси Владимир Ильич Ленин хотирасига бағишланган катта кеча ўтказилди.

Октябрь районидаги агитколлективлар сайловга қизғин тайёрланмоқдалар. Мингдан ортиқ агитатор аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормоқда. 1-нчи агитпункт районда энг яхши ҳисобланади. Бу агитпункт бирқанча йиллардан бўён ўз ишини тўхтатмай давом этдириб келмоқда. Унинг коллективида 46 агитатор бор.

Агитатор ўртоқ А'замов маҳалла аҳолиси ўртасида катта обрў қозонган. У, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

Ш. АЙРАПЕТЯНЦ.

АГИТКОЛЛЕКТИВ БОШЛИҚЛАРИНИНГ РАЙОН ИЙҒИЛИШИ

ҚАШҚАДАР'Е область, Шаҳрисабз район партия комитети агитколлектив бошлиқларининг район кенгашини ўтказди. Кенгашда бошланғич партия, комсомол ташкилотларининг секретарлари ва агитпункт мудирлари иштирок этди.

Кенгашда «СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом» юзасидан кенг тушунтириш ўтказилди. Район партия комитетининг секретари ўртоқ Бозоров бўлажак сайловлар даврида агитколлектив, агитпункт ва агитаторларнинг вазифалари ҳақида доклад қилди.

Сайлов Низоми тўғрисида савол-жавоблар бўлди. Ҳозир агитаторлар меҳнаткашлар орасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириб юбордилар.

Ш. МУМИНОВ.

Юксак меҳнат унуми учун кураш

Қарши шаҳридаги 10-нчи тикув фабрикасининг ишчилари СССР Олий Совети сайловлари кунини муносиб кутиб олиш учун мусобақани кучайтириб юбордилар.

Фабрика партия ташкилотининг секретари ўртоқ Зулфия Пиримазарова бошлиқ бригада плашини доим ошириб бажармоқда. Стахановчилардан Ярулина, Толипова, Фаттохова, Аҳмедова ва Эргашева ўртоқлар СССР Олий Совети сайловлари шарафига смена нормасини 200—230 процентга етказиб бажариш мажбуриятини олдилар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқаётирлар.

АГИТАТОРЛАР ЦЕХЛАРДА СУҲБАТЛАР ЎТКАЗМОҚДАЛАР

КОГОН, (ЎзТАГ). Шаҳардаги корхона, муассаса ва мактабларда СССР Олий Советига сайловларга тайёргарлик ишлари кучайтириб юборилди. Юзларча агитаторлар меҳнаткашлар ўртасида оммавий-агитация ишларини олиб бормоқдалар.

Когон темир йўлининг паровоз депосида агитация ишлари яхши уюштирилган. Агитаторлардан Миронов Сталин Конституцияси ва «СССР Олий Советига сайловлар ҳақида Низом» тўғрисида ишчилар ўртасида 4 марта суҳбат ўтказди. Шунингдек агитаторлардан Жуков, Драбинович, Чернишев ўртоқлар ҳам механика ва бошқа цехларда бирнеча марта суҳбат ўтказдилар.

Инвалидлар агитация ишларида актив қатнашмоқдалар

Самарқанддаги 1-нчи ва 2-нчи инвалидлар уйларида яшовчи Ватан уруши ва меҳнат инвалидлари СССР Олий Совети сайловлари муносабати блан агитация ишларига актив қатнашмоқдалар. Агитатор—инвалид ўртоқ Никитин рус тилида, ўртоқ Усенев ўзбек тилида инвалидларга СССР Олий Совети сайловлари тўғрисидаги Низомни тушунтирмоқдалар.

Кекса инвалидлардан Петров, Котов ва бошқа ўртоқлар айниқса яхши ишламоқдалар. Улар ўз суҳбатларида ёш сайловчиларга сайлов қонуни ва совет давлат тузуми ҳақида батафсил сўзлаб бермоқдалар.

М. ВЛАСОВ.

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМНИ ЎРГАНУЧИЛАРГА ЁРДАМ

Давлат тўғрисида марксча-ленинча та'лимот

БЕШИНЧИ МАҚОЛА.

Давлат тўғрисидаги марксча-ленинча та'лимот диалектик ва тарихий материализмда, марксизм-ленинизм назариясида, большевиклар партиясининг дун'ёқараши, сиёсати ва тактикасида ғоят муҳим ўрин тутади.

В. И. Ленин давлат тўғрисидаги масалага тўхтаб, бу масала қизғин, революцион пайтлардагина эмас, балки тинч қурилиш даврида ҳам муҳим масаладир, давлат нима, унинг моҳияти нимадан иборат, партиямизнинг давлатга муносабати қандай, давлатнинг ҳозирги пайтлаги ва келажакдаги тақдири қандай бўлиши мумкин деган масала ҳаммани қизиқтиради, деб айтган эди.

Ишчилар синфининг геннал доҳилари Маркс, Энгельс, Ленин ва Сталин томонидан ишлаб чиқилган давлат тўғрисидаги та'лимот давлат ҳақидаги бирдан-бир илмий назариядир. Бу назария буржуа фани, фалсафаси, ҳуқуқшунослиги, сиёсий иқтисоди ва публицистикасининг намояндаларига қарши курашда ишлаб чиқилди. Буржуа олимлари давлатнинг моҳиятини қастдан бузиб кўрсатар эдилар. Давлат тўғрисидаги марксча-ленинча та'лимот халқаро ишчилар ҳаракатининг тажрибаларида, Октябрь революциясининг ва мамлакатимизда социализмнинг ғалабасида, Европа ва Осиё халқларининг демократия ва социализм учун курашдаги буюк муваффақиятларида қайта-қайта тасдиқланди. Бу та'лимотнинг тўғри ва ҳаётийлиги мазкур та'лимотнинг бутун дун'ёдаги миллионларча меҳнаткашлар учун революцион ҳаракат қўлланмаси бўлиб қолганлиги блан ҳам тасдиқлади.

Давлат тўғрисидаги марксча-ленинча та'лимот большевистик партиявийликнинг илмий ва ижил намунаси, революцион назария блан амалиёт бирлигининг намунаси бўлиб қолди.

☆

Марксизм-ленинизм давлатнинг келиб чиқиши ва синфий моҳиятини илмий аниқлик блан белгилаб берди.

Давлат ҳамма вақт ҳам мавжуд бўлаберган эмас. Давлат ибтидоий жамоа тузуми емирилиши натижасида, хусусий мулкчилик келиб чиқиши орқасида, жамият бир-бирига қарама-қарши синфларга бўлинган пайтда пайдо бўлган. Давлат ҳукмрон синфларнинг, ўзига ёт бўлган синфлар кўрсатадиган қаршиликни бостириш қуроли сифатида вужудга келган. Бир синфнинг иккинчи синф устидан зўрликсиз, бу зўрликни амалга оширадиган махсус аппаратсиз ҳукмронлик қилиши мумкин эмас. Давлат ана шу аппаратдан иборатдир. Ленин «давлат бир синфнинг иккинчи синф устидан, аҳоли бир қисмининг иккинчи бир қисми устидан муттасил зўрликни амалга ошириши демакдир» деган эди.

Ўртоқ Сталин давлатнинг моҳиятини белгилаб, «давлат ҳукмрон синф қўлида ўз синфий душманларининг қаршилигини бостириш учун машинадир» деб уқтириб ўтган эди. Ўртоқ Сталин давлатнинг моҳияти ва унинг функцияларини чуқур таҳлил қилиб берди, ВКП(б) нинг XVIII с'ездида қилган докладида эксплоататорлик жамиятидаги давлатнинг фаолияти икки асосий функцияни—ички (биринчи даражали) ва ташқи (иккинчи даражали) функцияни амалга оширишдан иборат эканлигини кўрсатди. Бундай давлатнинг ички, асосий функцияси эзучи озчилик манфаатларини кўзда тутган ҳолда, эзилучи кўпчиликни асоратда сақлаш, уларнинг қаршилигини бостиришдан иборатдир. Унинг ташқи функцияси эса, ўз ерини бошқаларнинг ери ҳисобига кенгайтириш ёки ўз чегараларини бошқа давлатларнинг ҳужумидан мудофаа қилишдан иборатдир. Демак, эксплоататорлик жамиятида давлатнинг ҳар икки асосий функцияси халқ манфаатларини кўзда тутиб эмас, балки меҳнаткашларнинг манфаатларига қарама-қарши равишда, эзучи синфларнинг манфаатларини кўзда тутиб, амалга оширилади. Ўтмишдаги қулчилик, феодал ва капиталистик жамиятларда ана шундай бўлган эди. Бу ҳол синфий жамиятдаги давлат умумхалқ давлати, синфлардан ташқарида турадиган давлат бўлаолмаслигини, балки эзучи озчилик қўлидаги қурол бўлишини тасдиқлайди.

Давлат катта тарихий йўлни босиб ўтди. Ишлабчиқариш усуллари, ишлабчиқариш муносабатларининг типлари, жамиятнинг иқтисодий ва синфий тузилиши ўзгариши блан давлатнинг тарихий типлари, давлатни бошқариш шакллари ҳам ўзгариб борди. Эксплоататорлик асосидаги ишлабчиқариш муносабатларининг тарихий типларига мувофиқ равишда бизга эксплоататорлик давлатининг уч асосий типи: қулчилик, феодал ва капиталистик типлари ма'лумдир. Ҳозирги замон халқларининг деярли барчаси ана шу уч асосий тараққиёт даражасини ва давлатнинг ана шу типларини бошдан кечирганлар. Эксплоататорлик давлати турли-туман тарихий шароитларда босиб ўтган бирнеча минг йиллиқ йўлида турли мамлакатлар ва турли даврларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб келди. Лекин у ҳарҳоим ўз моҳияти жиҳатдан муайян бир эзучи синфларнинг меҳнаткашларга қарши қаратилган қуроли бўлиб қолди.

Буржуа давлати ўз синфий моҳиятини ҳарқандай «демократик», «умумхалқ» ниқоблари блан қопламасин, барибир, бу давлат ҳардоим йиртқич буржуазия қўлида меҳнаткашларга қарши қаратилган қурол бўлиб келди ва ҳозирги ҳам шундайдир. Америка Қўшма Штатлари, Франция, Буюк Британия, Италия ва бошқа капиталистик мамлакатлардаги давлатларнинг бутун фаолиятлари буни яққол тасдиқлайди. Бу давлатлар ўз мамлакатларидаги меҳнаткашлар оммасининг на эмас, балки империалистик давлатлар зулми остида инграб ётган мустамлака ва қарам мамлакатлардаги юз миллионларча кишиларни ҳам раҳмсизлик блан эзмоқдалар. Эксплоататорлик давлати ўзининг ички ва ташқи функцияларини бажариш учун армия, жазо органлари, разведка, қамоқхоналар, бюрократик, чиновниклик аппаратлари ва ҳоказолардан иборат махсус органлар ташкил этади. Бу органлар айниқса ҳозирги пайтдаги империалистик давлатларда катта роль ўйнамоқда. Империалистик буржуазия империализмнинг барча ички ва ташқи зиддиятлари ғоят кескинлашаётган ҳозирги пайтда ўзининг зўрликка асосланган аппаратини, террор, ҳарбий босқинчилик аппаратларини ҳартарафлама мустаҳкамлаш, бу аппаратни ўз мамлакатининг меҳнаткашларига, мустамлака ва қарам мамлакатлардаги миллий озодлик ҳаракатига, социализм мамлакатига ва социализм қурилиши йўлига кириб олган халқ демократияси мамлакатларига қарши курашга йўналтирмоқда.

☆

Ишлабчиқариш муносабатларининг бир типидан иккинчисига, давлатнинг бир тарихий типидан иккинчи типига ҳардоим революцион йўл блан ўтилади. Умри тугаган, лекин ўз ихтиёри блан саҳнадан тушишни истамайдиган синфлар ҳамда янги, эш, келажаги порлоқ бўлган, давлат ҳокимиятини ўз қўлига олишга интиладиган синфлар ўртасида шафқатсиз кураш бўлмаслиги ҳам мумкин эмас.

Ленин ва Сталин ҳарқандай революциянинг асосий масаласи давлат ҳокимияти, бу ҳокимиятнинг янги, ўсиб бораётган синф томонидан қўлга олиниши, мудофаа қилиниши ва мустаҳкамланиши тўғрисидаги масаладан иборат эканлигини исботлаб бердилар. Илгариги революцияларда шундай бўлган эди. Давлатнинг капиталистик типидан янги, социалистик типига ўтилаётган пайтда ҳам аҳвол шундайдир.

Пролетариат диктатуроси тўғрисидаги масала марксизм-ленинизмда бош масаладир. Пролетариат капитализмдан коммунизмга диктатурасиз ўтаолмайди. «Олга томон, я'ни коммунизм сари ривожланиш йўли,—деб ёзган эди Ленин,—пролетариат диктатураси орқали ўтади ва бошқача йўлдан ўтаолмайди, чунки эксплоататорларнинг, капиталистларнинг қаршилигини ундан бошқа ҳеч нарса синдира олмайди ва уни бошқача йўл блан синдириш мумкин эмас» (Асарлар, XXI том, 430 бет).

Пролетариат диктатураси тўғрисидаги та'лимот биринчи марта Маркс ва Энгельс томонидан ишлаб чиқилган. Ленин блан Сталин бу та'лимотни II Интернационал оппортунистларига, троцкичилар, бухаринчиларга ва бошқа душманларга қарши курашда ҳимоя қилиб қолдилар ва империализм ҳамда социалистик революция давридаги синфий кураш тажрибалари асосида бу та'лимотни янада юксак босқичга кўтардилар. Ленин Париж Коммунаси ва биринчи, иккинчи рус революциялари тажрибаси асосида, пролетариат диктатурасининг давлат шакли бўлган Совет ҳокимиятини кашф этди. Ленин пролетариат диктатурасини пролетар бўлмаган синфларга раҳбарлик қилучи пролетариат блан бу синфлар ўртасидаги синфий иттифоқнинг махсус шаклидир, деб та'рифлаб, пролетариатнинг иттифоқчилари тўғрисидаги масала нуқтаи назаридан пролетариат диктатураси ҳақидаги та'лимотни ҳартарафлама ишлаб чиқди. У, демократиянинг олий типи, пролетар, социалистик демократиянинг юқори шакли бўлган пролетариат диктатураси ҳақидаги масалани асослаб, унинг сохта ва чеклангган буржуа демократиясига батамом зид эканлигини кўрсатди.

Ленин ишларининг улуғ давомчиси И. В. Сталин совет давлати тараққиётининг ғоят бой тажрибаларига асосланиб, пролетариат диктатуроси ва социалистик давлат тўғрисидаги марксча-ленинча назария хазинасига қимматбаҳо бойлик қўшди. И. В. Сталин голиб социализм шароитида ва социализмдан аста-секин коммунизмга ўтилаётган шароитда, совет давлати қўлга киритган бой тажрибалар асосида, социалистик давлат тўғрисида яхлит ва мукаммал та'лимотни яратиб, социалистик давлат тўғрисидаги марксча-ленинча та'лимотни ҳартарафлама ривожлантирди.

Социалистик давлат социалистик революция оловида, эски, буржуа давлат машинасини синдириш ва емириш, илгариги давлат аппаратидан бутунлай фарқланадиган янги давлат аппаратини, ишчилар синфининг манфаатларига мос келадиган, унинг тарихий вазифаларини бажаришга қодир бўлган аппаратни барпо этиш асосида вужудга келади.

Совет социалистик давлати **янги, олий** типдаги давлатдир. У илгариги барча давлат типларидан ўз шакли, вазифалари, функциялари ва моҳияти жиҳатидан бутунлай фарқланиб, давлатнинг энг сўнгги тарихий типидир. Чунки у ўзининг тарихий вазифаларини бажаргандан сўнг ўлиб кетади. Бундай пайт келишига қадар ишчилар синфи ва унинг партияси раҳбарлик қилган меҳнаткашлар ўз давлатларининг мавжуд бўлишидан жон-дилдан манфаатдордирлар.

Совет социалистик давлати ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлар қўлида социалистик ҳамда коммунистик жамиятни қуришда, бу жамиятни капиталистик қуршов ҳужумидан мудофаа қилишда ғоят муҳим ва бирдан-бир қуроллдир. Бу давлат ғалаба қозонган ишчилар синфи томонидан жамиятга давлат йўли блан раҳбарлик қилиш ишини амалга ошириш-ниг ҳақиқий шаклидир. Ишчилар синфи ҳокимиятни қўлга олиб ва ҳукмрон синфга айланиб ўз давлати (диктатураси) дан қуйидаги вазифаларни бажаришда фойдаланади:

а) эксплоататорларнинг қаршилигини бостириш, мамлакатни мудофаа қилиш, бошқа мамлакатларнинг пролетарлари блан алоқани кучайтиришда, революциянинг барча мамлакатларда ғалаба қозониши ва ривожланишида;

б) меҳнаткашларни ва эксплоатация қилинучи оммани буржуазиядан узил-кесил ажратиб олишда, ишчилар синфи блан бу синф гегемон бўлган ҳолда, мазкур омма ўртасидаги иттифоқни мустаҳкамлаш, бу оммани социалистик қурилиш ишига жалб этишда;

в) синфларни тугатиш, социалистик ва коммунистик жамиятларни қуришда.

Ишчилар синфи диктатураси олдидаги мазкур вазифаларни барча меҳнаткашлар давлатни бошқариш ишларига жалб этилган, давлат ҳокимиятининг кенгайтирилган, аниқ ва тартибли равишда ишлайдиган органларини вужудга келтирган тақдирдагина бажариш мумкин. Ленин ва Сталин марксизм принципларига ва совет давлати қурилишининг бой тажрибаларига суяниб, совет демократияси тўғрисидаги та'лимотни ҳартарафлама ишлаб чиқиб, асослаб бердилар. Бу демократиянинг ва совет давлат ташкилотининг асосий принциплари Сталин Конституциясида қонун қилиб мустаҳкамланган. Совет давлати дун'ёда энг демократик давлатдир. Унинг ташкилий принциплари ва вазифалари дун'ёда энг демократик конституция бўлган Сталин Конституциясида баён этилган.

Хўжаликнинг социалистик системаси, ишлабчиқариш қуроллари ва воситаларига бўлган ижтимоий мулкчилик совет давлатининг иқтисодий асосидир. Совет давлатининг синфий структураси ҳам ана шу асос блан белгиланади. Бизда эзучи синфлар йўқ. СССР—ишчи ва деҳқонларнинг социалистик давлатидир. СССРда бутун ҳокимият шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари қўлидадир. Ишчи ва деҳқонларнинг ишчилар синфи раҳбар бўлган мустаҳкам иттифоқи совет давлатининг синфий асосидир. Социалистик жамиятда давлатга энг илғор синф— ишчилар синфи раҳбарлик қилади.

Барча меҳнаткашларга давлатни идора қилишда актив иштирок этиш имкониятини берган совет давлати барча гражданларни меҳнат қилиш, дам олиш, билим олиш, қариганда, касал бўлиб қолганда ва меҳнат қилиш қобилиятини йўқотганда модий та'минот олиш ҳуқуқи блан та'минлайди. СССР гражданлари кенг демократик эркинликлардан фойдаланадилар.

СССР нинг сиёсий негизини меҳнаткашлар депутатлари Советлари ташкил этади. Совет ҳокимиятининг ишларида Советларгина эмас, балки Советларга ёндашадиган, Советларни кенг меҳнаткашлар оммаси блан боғлайдиган, Советлар блан бирга муҳим ижтимоий-сиёсий вазифаларни бажарадиган касаба союз, комсомол, кооперация ташкилотлари, фан, техника, спорт, мудофаа ва бошқа жамиятлар ҳам катта роль ўйнайдилар.

Ишчилар синфи диктатурасининг бутун системасида коммунистлар партияси етакчилик ролини ўйнайди. Коммунистлар партияси ишчилар синфи ва меҳнаткашларнинг бошқа табақалари орасидан чиққан энг актив ва онгли гражданларни уларнинг социалистик тузумни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун курашларида жиплаштириб, мамлакатимиздаги барча жамоат ва давлат ташкилотларига раҳбарлик қилучи мояни ташкил этади. Большевиклар партияси ишчилар синфи диктатураси системасида асосий раҳбар ва йўналтиручи кучдир. У барча давлат ва жамоат ташкилотларининг ишларини бирлаштиради ва уларни ягона мақсадга йўналтиради. Тарихий тажриба фақат Ленин—Сталин партиясигина социалистик давлатни барпо этиш, мудофаа қилиш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги тарихий вазифани бажаришга қодир эканлигини исботлади.

Совет давлатига асос солиш, кўп миллатли социалистик давлатнинг ташкилот ва фаолият принципларини ишлаб чиқиш, бу принципларни амалга оширишда Ленин блан Сталин ғоят катта роль ўйнадилар. Улар томонидан асосланган совет давлати барча миллатларнинг тўла-тўкис тенг ҳуқуқлигига, барча миллатларнинг ҳатто ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузишгача ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқига эга эканликларига асосланган.

Совет ҳокимияти ишларетининг тузилиши меҳнаткашларнинг давлатни бошқаришга кенг иштирок этишларини та'минлайди. СССР Олий Совети икки палата асосида тузилган. Бу эса СССР даги барча миллатларнинг умумий манфаатлари блан бирга, уларнинг миллий хусусиятлари блан боғлиқ бўлган айрим, ўзларига хос манфаатларини ҳам акс эттиришларига тўла имкон беради.

☆

Ўртоқ Сталин партиянинг XVIII с'ездида қилган докладида социалистик давлат тараққиётининг босқичларини, бу давлат функцияларининг ички ва ташқи вазиятга боғлиқ равишда ўзгаришларини чуқур таҳлил қилиб берди. Ўртоқ Сталин совет давлати Октябрь революциясидан кейин ўтган даврда икки асосий босқични босиб ўтганлигини кўрсатди.

Биринчи босқич Октябрь революциясидан то эксплоататор синфлар тугатилган пайтгача ўтган даврни ўз ичига олади. Иккинчи босқич эса қишлоқ ва шаҳардаги капиталистик элементлар тугатилган пайтдан социалистик хўжалик системаси тўла-тўкис ғалаба қозонган ва Сталин Конституцияси қабул қилинган пайтгача ўтган даврни ўз ичига олади. Бу босқичларнинг ҳарбирида совет давлати олдида турлича вазифалар турар эди. Шунга мувофиқ равишда совет давлатининг функциялари ҳам ўзгариб борди.

Совет давлати ўз тараққиётининг биринчи босқичида икки асосий функцияни бажарди. Булардан биринчиси—мамлакат ичида ағдарилган эзучи синфларнинг қаршилигини бостиришдан, иккинчиси эса—мамлакатни ташқи ҳужумдан қўриқлашдан иборат эди. Бу босқичда учинчи функция — совет давлат органларининг хўжалик-ташкилотчилик ва маданий-тарбиявий ишлари мавжуд эди. Лекин бу сўнгги функцияни бажариш ишлари мазкур даврда жиддий равишда авж олмади.

Иккинчи босқичда вазият ўзгариши блан совет давлатининг функциялари ҳам ўзгарди. Эзучи синфлар тугатилиши блан мамлакат ичида уларнинг қаршилигини бостириш функцияси тугади. Бу функция ўрнига ижтимоий мулкни ўғриларр ва талончилардан сақлаш функцияси пайдо бўлди. Мамлакатни ташқи ҳужумдан мудофаа қилиш функцияси бутунлай сақланиб қолди. Совет давлат органларининг хўжалик-ташкилотчилик ва маданий-тарбиявий ишлари функцияси сақланиб қолди ва кенг авж олиб кетди.

Ўртоқ Сталин совет давлати тараққиётининг босқичлари ва функциялари тўғрисидаги та'лимоти блан буржуа давлати ва социалистик давлатлар ўртасидаги принципиал фарқларни аниқ-равшан кўрсатиб берди. Ўртоқ Сталин совет давлатининг тажрибасини ҳисобга олиб, капиталистик қуршовнинг мавжуд бўлиши ёки йўқолишига боғлиқ равишда, давлатнинг коммунизм давридаги тақдири блан боғлиқ бўлган масалани ўртага ташлаш. И. В. Сталин коммунизм даврида ҳам давлат сақланиб қоладими, деган масалага қуйидагича жавоб берди:

«Ҳа, агар капиталистик қуршов тугатилмас экан, ташқаридан ҳарбий ҳужум қилиш хавфи йўқотилмас экан, сақланиб қолади. Шу блан бирга, албатта, давлатимизнинг шаклари ички ва ташқи шароитнинг ўзгаришига қараб яна ўзгариб боради.

Йўқ, агар капиталистик қуршов тугатилса, агар бу қуршов социалистик қуршов блан алмаштирилса, давлат сақланмайди ва ўлиб кетади» (Ленинизм масалалари, 578 бет).

Доҳининг бу хулосасидан социалистик давлатни, унинг иқтисодий ва сиёсий асосларини, мудофаа салоҳиятини, бутун аппаратларини ҳартарафлама мустаҳкамлаш, бу давлатда партиянинг раҳбарлик ролини янада ошириш заруриятн келиб чиқади. Улуғ Ватан урушининг тажрибаси ва совет давлатининг ҳозирги даврдаги халқаро аҳволи ҳам бу давлатни тобора мустаҳкамлашни талаб этади.

Интилз-америка империалистлари янги уруш оловини ёқиш учун зўр бериб тайёрланаётган бир пайтда, совет давлатини ҳартарафлама янада мустаҳкамлаш ғоят катта аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, совет давлати бутун дун'ёдаги меҳнаткашлар учун тинчлик, демократия ва социализмнинг мустаҳкам таянчидир. У тескаричиларнинг ҳарқандай ғажовузларини қайтаришда асосий қуроллдир. Ана шунинг учун бу давлатни мустаҳкамлаш барча тараққийпарвар кишиларнинг муқаддас бурчидир.

☆

Давлат тўғрисидаги марксча-ленинча та'лимот сўнгги бирнеча ўн йилларда юз берган буюк воқеаларда жиддий тарихий синовлардан муваффақият блан ўтиб, ўзининг ҳаётий ва тўғри эканлигини қайта-қайта исботлади. Бу та'лимот дун'ёда энг демократик, энг мукаммал, энг мустаҳкам давлат бўлган Совет Социалистик Республикалар Иттифоқида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Бу та'лимот халқ демократияси мамлакатларининг пролетариат диктатураси функцияларини мувафқият блан бажараётган давлат тузумида ҳам ўзининг ёрқин ифоласини топди. Бу давлатлар ҳам социалистик типдаги давлаталар бўлиб, совет давлатидан ўзининг сиёсий шакли блангина фарқланади. Бу давлатларнинг барпо этилиши Ленининг «капитализмдан коммунизмга ўтилаётганда, албатта, ғоят даражада кўп ва турли-туман сиёсий шакллар вужудга келмай иложи йўқ, лекин бу ўринда уларнинг моҳияти муқаррар суратда битта: пролетариат диктатурасидан иборат бўлади», деган фикрини тасдиқлайди.

Тарихий тажриба давлат ва пролетариат диктатураси тўғрисидаги марксистик та'лимот буюк халқаро аҳамиятга эга эканлигини, «...Ленининг пролетариат диктатураси назарияси соф «рус» назарияси эмас, балки барча мамлакатлар учун мақбул бўлган назария» (Сталин) эканлигини исботлади.

Давлат тўғрисида ўртоқ Сталин томонидан янада ривожлантирилган марксча-ленинча та'лимот совет халқининг коммунизм ғалабаси учун курашда ғоят қудратли ғоявий қуроллдир, капиталистик мамлакатлардаги, мустамлака ва қарам мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг империализм зулмидан тўла-тўкис озод бўлиш учун олиб бораётган курашларида дастурил-амалдир.

Б. МАНЕЛИС.

СОВЕТ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАДАН СОФИЯГА ЖҮНАБ КЕТДИ

Булгория Коммунистлар Партиясининг отоқли раҳбари, Булгория Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Василь Коларовни дафн этиш маросимида қатнашиш учун К. Е. Ворошилов бошчилигидаги Совет ҳукумат делегацияси 24 январьда Москвадан Софияга жўнаб кетди. (ТАСС).

СОВЕТ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ СОФИЯГА КЕЛДИ

СОФИЯ, 24 январь. (ТАСС). Булгория Халқ республикаси Министрлар Советининг Раиси Василь Коларовни дафн этиш маросимида қатнашиш учун Совет Иттифоқининг ўртоқ К. Е. Ворошилов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Софияга келди.

Аэродромда делегацияни Булгория коммунистлар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'золари, ҳукумат а'золари ва министрлар: Вилко Червенков, Владимир Поптомов, Георгий Чанков, Райко Дамянов, Титко Черноколев, Минчо Нейчев, Антон Югов, Димитр Димов, Георгий Трайков, Георгий Попов, Кирилл Драмалиев, Руси Христозов, Карло Лукатнов, Фердинанд Козовский, Сава Гановский, Евгений Каменов ва бошқалар кутиб олдилар.

Делегацияни СССРнинг Булгориядаги элчиси М. Ф. Бодров ва элчихона а'золари ҳам кутиб олдилар.

К. Е. Ворошилов бошчилигидаги Совет делегациясининг а'золари Софияга келишлари билан Халқ мажлиси биносига бордилар ва Василь Коларовнинг тобутига гулдаста қўйдилар. Бу гулдастага: «Қадрдон дўст В. Коларовга, ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети» деган сўзлар ёзилган.

К. Е. Ворошилов ва делегациянинг бошқа а'золари, элчи М. Ф. Бодров, Вилко Червенков, Цола Драгойчева, Титко Черноколев ва Димитр Ганевлар Василь Коларов тобути ёнида фахрий қоровулда турдилар.

Василь Коларовни дафн этиш маросимида қатнашиш учун Софияга халқ демократияси мамлакатларининг ҳукумат делегациялари ҳам келдилар. Венгрия делегациясига ташқи ишлар министри Дьюла Каллаи, Польша делегациясига Министрлар Советининг раиси Юзеф Циранкевич, Чехословакия делегациясига бош министр ўринбосари Зденек Фирлингер, Германия демократик республикаси делегациясига муваққат ҳукумат бош министрининг ўринбосари Отто Нушке, Албания делегациясига Албания касаба союзлари раҳбари Гого Нуши бошчилик қилади.

БУЛҒОРИЯДА МОТАМ КУНЛАРИ

СОФИЯ, 24 январь. (ТАСС). Булгория меҳнаткашлари Булгория коммунистлар партиясининг отоқли раҳбари Василь Коларовнинг вафоти тўғрисидаги хабарни эшитиб, бениҳоя қайғирмоқдалар. Газеталар София, Димитрово, Сталин шаҳарларидаги ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги корхоналарда бўлган мотам митинглари тўғрисидаги хабарларни босиб чиқармоқдалар.

Георгий Димитров номли вагонсозлик заводи ишчиларининг митингида социалистик мусобақада олти марта биринчи ўринни олган слесарь Семко Вутов бундай деди:

«Ишчилар синфимиз кейинги вақтларда иккинчи марта оғир мусибатга учради — ўртоқ Василь Коларов вафот этди. Биз ишчилар йўлбошчимиз ва устозимиз ўртоқ Георгий Димитров вафотидан бениҳоя қайғирган бўлсак ҳам, лекин руҳимизни туширмадик. Биз бу сафар ҳам руҳимизни туширимаймиз. Меҳнат соҳасидаги янги ғалабаларимиз, бешйиллик планни бажаришимиз билан Димитров ва Коларов ўртоқларнинг васиятларини амалга оширамиз».

Василь Коларов туғилган Шуменда барча корхона ва муассасаларда мотам йиғилишлари бўлди. Шундан кейин умумшаҳар мотам митинги ўтказилди.

Булгория коммунистлар партиясининг Шумен шаҳридаги ташкилотлари, уезд халқ кенгаши ва шаҳар Ватан фронтининг вакиллари шаҳарни Коларовград деб аташни, Коларов яшаган уйда музей ташкил қилишни ва шаҳар марказида Василь Коларовга ҳайкал ўрнатишни таклиф этдилар.

СОФИЯ ХАЛҚ ҚЕНГАШИНИНГ ФАВҚУЛОДДА СЕССИЯСИ

СОФИЯ, 24 январь. (ТАСС). Бугун София шаҳар Халқ кенгашининг Булгория Халқ Республикаси Министрлар Совети раиси Василь Коларов хотирасига бағишланган фавқулодда сессияси бўлди.

Сессия мажлисини кекса депутат Алиби Андреев очди.

Вакиллар сукут ичида ўринларидан туриб, севикли Василь Коларовнинг хотирасини ҳурматлаб эсга олдилар.

Шаҳар Халқ кенгашининг раиси Иван Пашов Министрлар Совети Раиси Василь Коларовнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида доклад қилди.

Докладдан кейин депутат Любен Стоянов София аҳолисига мурожаат қилиб улуғ байроқ теварагига маҳкам жиплашишга чақиришни таклиф этди. Георгий Димитров ва Василь Коларов шу улуғ байроқ остида бўлгор халқининг бахт-саодати учун курашган эдилар. Депутатлар мурожаат текстини якдиллик билан қабул қиллилар. Булгория Коммунистлар партияси Марказий Комитети номига, Министрлар Совети, Ватан фронти Миллий кенгаши номига ва марҳумнинг рафиқаси номига та'зия билдирилган телеграммалар ҳам қабул қилинди.

Сессиянинг охирида барча депутатлар Халқ мажлиси биносига келиб, Василь Коларов тобутига гулдаста қўйдилар.

Халқ демократияси мамлакатларида

ВЕНГРИЯ ДЕҲҚОНЛАРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КООПЕРАТИВЛАРИГА УЮШМОҚДАЛАР

БУДАПЕШТ. Будапештда деҳқончилик ишлабчиқариш кооперативлари ва машина-трактор станциялари вакилларининг икки кунлик кенгаши очилди.

Венгрияда бундан бир ярим йил илгари деҳқончилик ишлабчиқариш кооперативлари ташкил қилина бошлаган эди. Ҳозир мамлакатда бир ярим мингдан кўп кооператив бор. Бу кооперативлар қарийб 40 минг деҳқон оилаларини бирлаштириб, 360 минг хольддан кўпроқ ерни эгаллайди (Бир хольд 0,57 гектарга тўғри келади). Кооперативлар сони ой сайин кўпаймоқда. Илгари кооперативларга асосан қишлоқ хўжалик ишчилари ва камбағалларгина кирсалар, ҳозир ўрта ҳол деҳқонлар ҳам кооперативларга а'зо бўлиб кирмоқдалар.

Венгрия деҳқонлари делегациясининг дун'ёда энг илғор қишлоқ хўжалик мамлакати бўлган Совет Иттифоқига қилган сафари Венгрияда кооперативчилик ҳаракатини ривожлантиришда ғоят катта аҳамиятга эга бўлди.

ШИМОЛИЙ ХИТОЙДА ЕР ИСЛОҲОТИ

ПЕКИН. Шимолий Хитойнинг янги озод қилинган Хэбэй, Шаньси, Чахар ва Пинюань вилоятларида ноябрь ойининг охирларида ер ислоҳоти ўтказила бошланди.

Шаньси вилоятининг янги озод қилинган районларидаги 81 қишлоқда ер ислоҳоти асосан тамомланди. 400 дан ортиқ қишлоқда помещикларнинг ерлари ва мол-мулклари мусодара қилинмоқда, бойларнинг ортиқча ерлари ва мол-мулклари олинмоқда.

Янги озод қилинган ва 10 миллиондан кўп аҳоли яшаб турган бу районларда ер ислоҳоти олдидан катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Утган йилнинг октябрь ойидан бошлаб ҳарбир вилоятда йиғилишлар ўтказилди ва ер ислоҳоти ўтказиш учун кадрлар тайёрлайдиган курслар очилди. Хэбэй вилоятидаги уч районнинг ўзидагина ер ислоҳоти ўтказишга тайёргарлик кўриш юзасидан чақирилган кенгашларда 13 минг киши қатнашди. Ер ислоҳоти, унинг моҳияти ва уни ўтказиш усуллари ҳақидаги масалалар аҳолининг ҳамма табақаларидан бўлган вакиллр иштироки билан чақирилган конференцияларда, шунингдек деҳқонлар йиғилишларида муҳокама қилинди.

ҚУРИЯ ХАЛҚИ ЎЗ ВАТАНИНИ БИРЛАШТИРИШ УЧУН КУРАШМОҚДА

ПХЕНЬЯН. Бутун Шимолий Қурияда Бирлашган демократик ватан фронти Марказий комитетининг Қурияни тинч йўл билан бирлаштириш учун кураш тўғрисидаги мурожаатини муҳокама қилишга бағишланган митинг ва йиғилишлар бўлмоқда.

Вонсан шаҳридаги корхоналарнинг ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари митингида 1.500 дан кўп киши қатнашди. Кемасозлик заводининг ишчиси Кан Син Дю митингда сўзлаган нутқида бундай деди: америка империализми лисенманчилар тўдасини ҳарқанча зўр бериб ҳимоя қилса ҳам, қурия халқи америка империализмининг итоатли малайларини йўқотади ва мамлакатни тамомила бирлаштиради. Биз, Қурия халқ-демократик республикасининг шимолий қисмидаги ишчилар бирлашган демократик давлатнинг мустаҳкам иқтисодий пойдеворини қурмоқдамиз. Бу эса душман устидан ғалаба қилишимиз учун гаровдир. Ли Син Ман тўдаси устидан тезроқ ғалаба қилиш мақсадида, — деди у, — мен йиллик иш программамни муддатидан 50 кун илгари бажариш мажбуриятини оламан.

Митингга йиғилганлар Жанубий Қуриядаги партизанларга қарата мурожаат қабул қилдилар.

ВЕНГРИЯ МЕҲНАТКАШЛАР ПАРТИЯСИ МАРҚАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МЕҲНАТ МУСОБАҚАСИ ҲАҚИДАГИ ҚАРОРИ

БУДАПЕШТ. Меҳнат соҳасида социалистик мусобақада эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва мусобақани янада ривожлантириш тўғрисида Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий комитетининг қарори э'лон қилинди.

Қарорда бундай дейилади: партия кўр сатмаларининг амалга оширилиши меҳнат унумини анча оширишга ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ёрдам берди. 1949 йилнинг иккинчи ярмида, айниқса ўртоқ Сталин туғилган кунинг 70 йиллигини байрам қилишга тайёрланган вақтда, меҳнат мусобақаси кенг авж олиб, оммавий ҳаракатга айланди. Саноат маҳсулоти ишлабчиқариш ўша йилнинг биринчи ярмидагига қараганда 29,6 процент, меҳнат унуми 7,3 процент ортди.

Қарорда меҳнат мусобақасидаги энг муҳим вазифа—ишлабчиқариш планларини тўла ва ошириб бажариш, бу планларни ҳарбир ишчига етказиш, меҳнаткашларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш, стахановчилик ҳаракатини янада мустаҳкамлаш, яккама-якка мусобақа билан бир қаторда мусобақанинг коллектив шаклларини ривожлантиришдан иборат деб уқдириб ўтилади. Энг яхши ишчи номини олиш учун бораётган мусобақага йилида икки марта якун ясалади.

24 январь. (ТАСС).

ТРУМЭН АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИНИНГ ҲАРБИЙ РАҲБАРЛАРИ БЛАН МАСЛАҲАТЛАШМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 24 январь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг Вашингтондаги мухбири хабар беради: кеча Трумэн ва ҳукуматнинг ҳамма а'золари бирлашган штаб бошлиқлари группасининг раиси Брэдли ва бошқа ҳарбий раҳбарлар билан маслаҳатлашдилар. Бу маслаҳатда фақат Макграт билан Чэпменгина қатнашмадь. Президентнинг секретари Росс мухбирлар билан қилган суҳбат вақтида, бу маслаҳат «қурол-яроғ системаларини аниқлаш» юзасидан бўлган ишчи кенгаш эди, бу кенгашларда ҳарбий раҳбарлар «бу соҳада қилинган ишлар ҳақида президентга ахборот бериб келмоқдалар» деди.

МҮҒУЛИСТОН ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲҮКУМАТИ СОСТАВИДА ҮЗГАРИШЛАР

УЛАН-БАТОР, 24 январь. (ТАСС). Мўғулистон Халқ Республикаси Кичик хуралининг президиуми республика ҳукумати составини бирмунча ўзгартирди. Маршал Чойбалсаннинг Мўғулистон Халқ Республикаси Министрлар Советидаги асосий иш блан ғоят банд эканлигини ва унинг илтимосини ҳисобга олиб, Кичик хурал президиуми маршал Чойбалсанни Мўғулистон Халқ Республикасининг ташқи ишлар министри ва қуролли кучлар министри вазифаларидан озод қилди. Мўғулистон Халқ Республикаси Кичик хуралининг президиуми ташқи ишлар министрининг ҳозирги ўринбосари Лхамсурунни Мўғулистон Халқ Республикаси ташқи ишлар министри қилиб тайинлади. Шу вақтгача қуролли кучлар министрининг ўринбосари бўлиб келган генерал-майор Жанчив қуролли кучлар министри қилиб тайинланди.

ДЕҲЛИДА ПРОФЕССОР БЕРНАЛ НУТҚИ

ДЕҲЛИ, 24 январь. (ТАСС). Тинчликни ҳимоя қилиб бирнеча бор нутқ сўзлаганлиги учун Англияда қувғин остига олинган машҳур инглиз олими, физика профессори Бернал Деҳлида студентларнинг катта йиғилишида нутқ сўзлади.

Бернал йиғилишда ҳозир бўлган студентларга турли мамлакатларда тинчлик учун олиб борилаётган кураш тўғрисида сўзлаб берди ва тинчлик тарафдорлари олдида турган вазифаларни баён қилди.

Бернал ўз нутқида тинчлик тарафдорлари капиталистик мамлакатларда, мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатларида тинчлик учун олиб бораётган курашда катта қийинчиликларга дуч келаётганликлари, бу мамлакатларда тинчлик тарафдорлари қамоққа олинаётганлиги ва та'қиб этилаётганлиги ҳақида батафсил гапирди. Бернал Ҳиндистонда ҳам тинчлик тарафдорлари та'қиб қилинаётганлигини кўрсатиб ўтди.

Бернал Совет Иттифоқида олган таассуроти ҳақида берилган саволга жавоб қайтариб, совет халқининг иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳада эришган катта муваффақиятларини кўрсатадиган бирқанча ёрқин ва ишонарли мисолларни келтирди.

Деҳли студентлари Бернал нутқини қизғин табриклаб қарши олдилар.

ҚАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ ТЕСКАРИЧИ РАҲБАРЛАРИ ДОКЕРЛАРНИНГ ТИНЧЛИК УЧУН БОШЛАГАН ҲАРАКАТИНИ БАРБОД ҚИЛИШГА УРУНМОҚДАЛАР

ЛОНДОН, 24 январь. (ТАСС). Кеча Лондонда Европа қит'аси мамлакатларидаги ва Англиядаги транспорт ишчилари касаба союзларига тескаричи раҳбарларининг конференцияси очилди.

Конференцияда Англия, Франция, Голландия, Бельгия ва Норвегия касаба союзларининг тескаричи раҳбарлари, шунингдек касаба союз тескаричи раҳбарлари томонидан тузилган транспорт ишчилари халқаро уюшмасининг а'золари қатнашмоқдалар. Конференцияда Англия денгизчилар касаба союзининг бош секретари Иэйтс раислик қилмоқда.

Ма'лумки, Европа мамлакатларидаги докерлар ва денгизчилар тажовузкорликдан иборат Шимолий Атлантик аҳдига мувофиқ Қўшма Штатлардан келтирилаётган қуролярогларни кемалардан туширишдан, шунингдек Вьетнамда мустамлака уруши олиб бориш учун жўнатиладиган ҳарбий материалларни ортишдан бош тортмоқдалар. Матбуотда босилган хабарлардан ма'лум бўлишича, конференция докерлар ва денгизчиларнинг ана шу ҳаракатига қарши штрейкбрехерлик талбирларини ишлаб чиқишни мақсад қилиб қўймоқда.

СОВЕТ ВАКИЛИ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ КЕНГАШНИНГ ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ТУШГАН АРИЗАЛАРНИ КЎРУЧИ КОМИТЕТИ МАЖЛИСИДАН ЧИҚИБ КЕТДИ

НЬЮ-ЙОРК, 24 январь. (ТАСС). 23 январьда Иқтисодий ва Ижтимоий кенгашнинг жамоат ташкилотларидан тушган аризаларни кўруви Доимий комитети мажлиси бўлди. Совет вакили гоминдан группасининг вакилини комитет составидан чиқаришни таклиф этди. Комитетдаги инглиз-америка кўпчилиги бу таклифни рад этганлиги сабабли совет вакили комитет мажлисидан чиқиб кетди.

ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛАНДИ

ЛОНДОН, 24 январь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Деҳлидан хабар беради: бугун Ҳиндистон Та'сис мажлиси Раджендр Прасадни Ҳиндистон республикасининг биринчи президенти қилиб бир овоздан сайлади. Ҳиндистон 26 январьда республика деб э'лон қилинади.

АВСТРАЛИЯ СУДИ ШАРҚИНИ ҚАФИЛГА БЕРМАДИ

СИДНЕЙ, 24 январь. (ТАСС). Янги Жанубий Уэльс штати олий судининг судьяси Геррон Австралия коммунистлар партияси бош секретари Шаркини ҳимоячилар томонидан берилган шикоят аризаси кўрилгунча кафилга бериш тўғрисидаги илтимосни рад этди. Шарки шикоят аризаларини кўруви судда ўзини ҳимоя қилмоқчи, шу сабабли ҳуқуқ масалаларини ўрганиб, ишни кўришга тайёрланиш мақсадида Шаркини кафилга бериш зарур деб олий судга унинг номидан ариза берилган эди.

ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКА ҚЕНГАШИДА

ПАРИЖ, 24 январь. (ТАСС). «Се суар» газетаси хабар беради: Кеча Республика кенгаши мажлисида бюджет юзасидан бўлган музокаралар вақтида Республика кенгашининг а'зоси коммунист Жорж Марран нутқ сўзлади. Марран ҳарбий бюджетнинг жуда кўпайтириб юборилганлигини ва 600 миллиард франкка етганлигини уқдириб ўтди. У Жак Дюкло лойиҳасини қувватлади. Бу лойиҳада ҳарбий бюджет ҳисобидан 200 миллиард франкни тежаш кўзда тутилган. Шу блан бирга Жорж Марран Франциянинг Вьетнамдаги сиёсати барбод бўлганлигини, бу сиёсат Францияни халқ истамаган урушга тортганлигини кўрсатди.

Республика кенгашининг ўнг а'золари Марран нутқини шовқин-сурон блан қарши олиб, мажлис залидан чиқиб кетдилар. Шундан кейин мажлис тўхататилди.

Пойтахтимизда

Ўрта Осиё Давлат университетининг биология факультетида. Суратда: учинчи курс студентлари умуртқасиз ҳайвонлар ҳақида амалий машғулот ўтмоқдалар. Машғулотга биология фанлари доктори профессор Аҳрор Тўлаганов раҳбарлик қилмоқда.

Б. Мазур фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

«Ўзбекистон халқлари тарихи»нинг биринчи томи босилиб чиқди

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси томонидан нашр этилган «Ўзбекистон халқлари тарихи»нинг биринчи томи босилиб чиқди.

Китобнинг биринчи томи энг қадимги даврдан бошлаб XVI асргача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу томда ўзбек халқининг қадимги ва ўрта асрлардаги ҳаёти, ишлабчиқариш кучлари, ишлабчиқариш муносабатлари, маданияти ва сан'атининг тараққиёт босқичлари батафсил ёритилган.

Ҳозир тарихчилардан бир группаси асарнинг охирги учинчи томи устида ишламоқда. Учинчи том ўзбек халқи тарихида энг муҳим ва порлоқ даврни — Ўзбекистон ССРда Совет ҳокимиятини барпо қилиш ва коммунистик жамият қуриш учун кураш даврини ўз ичига олади.

Совет Ўзбекистонининг 25 йиллигига бағишланган почта маркалари

Тошкентда ССР Иттифоқи Алоқа министрлиги томонидан Совет Ўзбекистонининг 25 йиллик юбилейига бағишлаб чиқарилган юбилей маркалари сотила бошлади.

20, 25 ва 40 тийинлик, 1 ва 2 сўмлик маркаларда пойтахтдаги Ҳукумат Уйи биноси, Алишер Навоий номли опера ва балет театрининг биноси, Сталин номли Қатта Фарғона канали, Куйган'ёр тўғони, Тошкентдаги Навоий номли кўчанинг расмлари бор.

Уй-жойлар ремонт қилинмоқда

Куйбишев, Марказий ва Москва районлари коммунал хўжалик бўлимларига қарашли уй-жойларни капитал ремонт қилиш ишлари бошланди.

Бу йил уй-жойлар ремонти график асосида олиб борилади. Ремонт графиклари районлар бўйича тузилади.

Уй-жойлар ремонтини тезлатиш мақсадида, ҳарбир ремонт конторасқ ҳузурида бинокорлик ишхоналари ташкил этилади. Ишхоналарда тахта тиладиган, фрезер дастгоҳлари ва шу каби бошқа ускуналар ўрнатилади. Бу ишхоналар ремонт учун зарур бўлган барча асбоблариии тайёрлаб беради.

Район уй-жой бўлимлари ва шаҳар уй-жой бошқармаси шу йилнинг биринчи квартали ҳисобига 1.000 кубометрдан ортиқ ёғоч ва бошқа бинокорлик материаллари олдилар.

Бу йил шаҳардаги уй-жой фондининг қарийб 10 процента капитал ремонтдан чиқарилади.

Ёш инженерлар

Ўрта Осиё Политехника институтининг озиқ-овқат, энергетика, тоғ-кон ва механика факультетларини тамомловчи 260 студент диплом ишларини ёқлади.

Диплом ишлари халқ хўжалигига қисман Ўрта Осиё республикалари халқ хўжалигининг турли соҳаларига доир жуда кўп темаларни ўз ичига олади. Бўлажак тоғ-кон инженерлари янги конларни ўзлаштириш масаласига доир диплом ишлари тайёрладилар. Айрим студентларнинг диплом ишларида кўмир чиқаришнинг янги усуллари кўрсатилган.

Ёш энергетиклар ҳам муҳим темаларда диплом ишлари ёзадилар. Улар гидроэлектростанциялар ва тепло станцияларнинг лойиҳаларини тайёрладилар, электр ускуналарининг янги турларини ва корхоналарни электр қуввати блан та'минлаш системаларини ишлаб чиқдилар.

Йирик мутахассислардан тузилган комиссия Зоҳидов, Леонтьев, Бурнашев, Абдуллаев, Марасулов, Светликов сингари бирқанча студентларнинг дипломларига а'ло ва яхши баҳо берди.

Илғор корхоналар «Ҳурмат тахтаси»га ёзилдилар

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва шаҳар партия комитетининг бюроси шаҳар саноати ва транспортининг 1949 йилнинг 4-нчи кварталидаги иш якунларини муҳокама қилди.

Социалистик мусобақада ғалаба қилган 51 корхона, шу жумладан, Сталин номли Тўқимачилик комбинати, Каганович номли паровоз-вагон ремонти заводи, 1-нчи пойафзал фабрикаси, «Коммунар» заводи, Тошкент пассажир станциясининг депоси, «Қизил тонг» тикувчилик фабрикаси ва бошқа корхоналар шаҳар «Ҳурмат тахтаси»га ёзилдилар.

Шунингдек, шаҳар «Ҳурмат тахтаси»га пойтахт корхоналари ва транспортининг илғор стахановчиларидан 300 кишининг номи ҳам ёзилди.

Янги касалхоналар

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими, Сталин районида 100 ўринли янги клиника касалхонаси очди. Касалхона асбоб-ускуналар блан ҳамда малакали медицина ходимлари блан та'минланди. Касалхона ҳар жиҳатдан яхшилаб жиҳозланган.

Куйбишев районида ҳам болалар учун 50 ўринли янги касалхона очилиб, аҳолига хизмат қилабошлади.

Республикамизнинг кучли полвонлари

Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги шарафига ўтказилган спорт мусобақалари тугади. Бу мусобақалар орасида ўзбекча кураш ҳамманинг э'тиборини ўзига тортди. Кураш мусобақаларида республикамизнинг энг яхши спортчилари — Тошкент, Хоразм, Бухоро, Андижон, Фарғона, Наманган, Сурхондар'ё, Самарқанд областьларидан ва Қорақалпоғистон АССРдан келган 60 га яқин кучли полвонлар қатнашдилар.

Курашлар фарғонача ва бухороча усулда ўтказилди. Биринчилик учун қизғин кураш борди. Мусобақалар якунида фарғонача усулда курашда Тошкент шаҳрининг полвонлари биринчи ўринни, Андижон областининг полвонлари иккинчи ўринни ва Тошкент областининг полвонлари учинчи ўринни олдилар. Бухороча усулда эса Хоразм областининг полвонлари биринчи ўринни, Қорақалпоғистон АССР полвонлари иккинчи ўринни ва Сурхондар'ё областининг полвонлари учинчи ўринни ишғол қилдилар.

Бухороча усулда курашда оғир вазндаги полвонлар орасида хоразмли Н. Отажонов, ярим оғирликдаги полвонлар орасида қорақалпоғистонли А. Сафаров, ўрта вазндаги полвонлар орасида хоразмли Б. Отажонов, енгил вазндаги полвонлар орасида хоразмли С. Исматов ва Я. Мадаминов ўртоқлар биринчи ўринни ҳамда Ўзбекистон ССР чемпиони номини олдилар.

Фарғонача усулда курашда республикамизнинг машҳур полвони Асқар Отабоев оғир вазндаги полвонлар орасида биринчи ўринни ва республика чемпиони номини олди. Шунингдек Н. Абдуллаев, Н. Назаров (Тошкент шаҳридан), К. Са'дуллаев (Тошкент областидан), А. Абдурахмонов (Андижон областидан) ўртоқлар ҳам турли вазндаги полвонлар орасида биринчи ўринни ишғол қилдилар. Буларга ҳам Ўзбекистон ССР чемпиони номи берилди.

Мусобақада ғолиб чиққан полвонлар қимматбаҳо нарсалар ҳамда республика физкультура ва спорт ишлари комитетининг дипломлари блан мукофотландилар.

Зиёлилар учун лектория

Марказий район партия комитетининг партия кабинети врачлар, ўқитучилар, инженер-техник ходимлар ва пойтахт сан'аткорлари учун 4 та лектория ташкил қилди.

Лекцияларда машғулотлар мунтазам давом этмоқда. Ўқитучилар лекциясида 5 марта, врачлар лекциясида 3 марта, инженер-техник ходимлар лекциясида 1 марта лекция ўтказилди.

Сан'ат ходимларининг «Марксча-ленинча эстетика» лекциясида композиторлар, рассомлар ва сан'аткорлар профессор М. С. Григорьевнинг «Сан'атнинг халқчиллиги ҳақида ва космополитизмга қарши кураш» деган темадаги лекциясини ва бошқа темалардаги лекцияларни тингладилар.

Лекцияларда ҳар ойда икки марта бўлаётган машғулотга 700 дан ортиқ киши қатнашмоқда.

Янги машиналар

«Таштекстильмаш» заводи мамлакатнинг тўқимачилик саноати учун янги асбоб-ускуна нусхаларини тайёрлади. Жумладан, йиғув стенди ипни ҳўл ҳолида йигирадиган ва юқори сифатли газламалар тўқиш учун ип йигириб берадиган янги хил машиналарнинг дастлабки нусхаларини тайёрлаб берди.

Темирйўлчилар учун янги уйлар

Ўрта Осиё темир йўллар округининг ходимлари учун Полтарацкий кўчасида қурила бошланган 4 қаватли турар-жой биносининг биринчи навбати битказилди. Янги уйда ошхона, марказлаштирилган иситадиган аппарат, ванна бор. Ҳар қайсиси икки-уч хонадан иборат бўлган бу уйга темир йўл ходимларидан бирқанчаси кўчиб кирди.

Мас'ул муҳаррир ўринбосари: Б. РАҲМОНОВ.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», «НАВОИЙ», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм Ўт.

«ИСКРА» — ҳамма залда Разведкачининг жасорати.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программада катта цирк тамошалари. Арбитр П. П. Бредихин раҳбарлигида классик курашлар. Ҳар куни 3 жуфт курашади. Тамоша кеч соат 9 да, кураш — кеч соат 10—45 минутда бошланади.

КАРБОРУНД ЗАВОДИГА

капитал қурилиш бўлимининг бошлиғи вазифасида ишлаш учун тажрибали бинокор инженер, технолог инженерлар, ҳархил ишчилар

КЕРАК

Қабул қилинганлар уй-жой блан та'минланади.

Тошкент шаҳар, Театр кўчаси, 61-а уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон — 36-281, 33-348, 31-909.

Тошкентда ва жойларда ишлаш учун:

гидроэлектростанцияларни қуриш иши блан таниш бўлган гидроқурилиш инженерлари ва техниклари

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 22-нчи уйда Гидростанциялар қурилиши бошқармасига мурожаат қилинсин.

«ГЛАВКОНДИТЕР» МАГАЗИНИДА

Москва, Ленинград, Киев, Одесса ва Харьков фабрикалари ишлаб чиқарган

ҳархил кондитер моллари

СОТИЛМОҚДА

Магазининг адреси: Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 21-нчи уй.

Кутубхоналар, ташкилотлар ва обуначиларга билдириладики, «ЎЗКИТОБ»НИНГ обунали нашрлар ва кутубхоналарни та'минлаш республика конторасига «ЎЗБЕККНИЖТОРГ»НИНГ ОБУНАЛИ НАШРЛАР РЕСПУБЛИКА БАЗАСИ ВА КУТУБХОНАЛАР КОЛЛЕКТОРИ деган ном берилди.

Адрес: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 36-нчи уй, Госбанк шаҳар бошқармасидаги расчёт счёти 150224.

СССР Министрлар Советининг 1949 йил 11 декабрьдаги 19711-р сон фармойишига биноан, Граждан ҳаво флоти Ўзбекистон бошқармасининг ИШЧИЛАР ТА'МИНОТИ БЎЛИМИ ТУГАТИЛАДИ.

Да'волари бўлган ташкилотлар ва кишилар шу э'лон чиққан кундан бошлаб икки ҳафта ичида тугатиш комиссиясига билдиришлари лозим. Адрес: Тошкент шаҳар, Аэропорт, 1-нчи корпус.

Тошкент шаҳрида ишлаш учун арракашлик, дурадгорлик ва мебель ишидан мутахассислар: инженерлар, техниклар, цех бошлиқлари, смена мастерлари, тажрибали бракёрлар, инженер-экономист, меҳнат инженери, нормаловчилар, механик-конструктор, бинокор инженер ёки техник, снабсбит ходимлари, малакали станокчилар, дурадгорлар, мебельчилар, дежур электромонтёрлар, дежур слесарьлар ва асбоб-ускунани ремонт қилучи слесарьлар

КЕРАК

Адрес: Тошкент шаҳар, Куйбишевское шоссе, 27-нчи уй, Туркистон Ҳарбий Округи Квартир-эксплоатация бошқармасининг 324-нчи промкомбинати. Телефон — 36-375.

3-нчи Владивосток кўчаси, 25-нчи уйда туручи Рухобза Умарованинг шу уйда туручи Лутфулла Умаровдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 3-нчи участка халқ судида кўрилади.

Гидротехническая кўчаси, 68-нчи уйда туручи Виктор Иванович Кузнецовнинг шу уйда туручи Нина Ивановна Ивановскаядан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Марказий район, 2-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЯТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими — 31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими — 32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334. «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1278. Р. 00932.